Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 295 (13.251).
18 ДЕКАБРЬ 1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

СЪЕЗД ОЛДИ ВАХТАСИДА

КПСС XXIII съездини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб оламиз! Ана шу шиор остида ишлаётган Самарқанд тепловоз депосининг коллективи қувончли натижаларга эришмоқда. Йиллик планга қўшимча бир неча юз минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилди. Шу ҳисобдан 1 миллион 200 минг сўм давлат маблағи тежаб қолинди.

М. ҲУСАИНОВ.

●

Наманган шаҳридаги «Энергосбит» бўлими меҳнаткашлари 1 ноябрдаёқ йиллик планни бажарган эдилар. Ушандан буён корхона ва хўжаликларга 1966 йил ҳисобига энергия етказиб бериляпти. Электр тармоқлари узайтирилмоқда. Янгиқўрғон районидаги «Заркент» совхозида ва Задарё районидаги «Гигант» колхозида янги подстанциялар қуриб ишга туширилди. Шаҳар атрофидаги «Нанай» совхози, «Победа» ва Ильич номли колхозлар тўла электрлаштирилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

●

Тошкентдаги 1-нон заводининг меҳнат аҳли съезд олди вахтасида алоҳида ибрат кўрсатмоқда. Йиллик планга қўшимча 505 тонна турли хил нон ишлаб чиқарилди. Вазира Назирова, Мария Шишкина, Мария Севастьянова ўртоқлар бошлиқ бригадалар нуқул юқори сифатли нон тайёрлашга муваффақ бўлаётирлар. Яқинда корхонада 800 тонна ун сақланадиган омбор қуриб битказилди.

И. РУСТАМОВ,
Т. ЮНУСОВА.

●

Олмалиқ шаҳридаги 14-автотранспорт конторасиюк ташиш йиллик планини бир ой аввал бажарди. Машиналарнинг фойдали ҳаракат қилиши учун кураш мусобақаси авж олганлиги натижасида 76,3 минг сўм қўшимча даромад кўрилди. Контора коллективи йил охиригача яна камида 200 минг тонна юк ташиш учун курашмоқда.

М. АБДУРАЗЗОҚОВ.

САНОАТИМИЗ МАРДУ МАЙДОНЛАРИ

МАСТЕР

Рўпарамизда касбига ихлос қўйган мастер ўтирибди. Унинг исми Каримахон, фамилияси Насриддинова.

— Ишингиз, режаларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Мен ҳали ёшман, айтарлик тажрибам ҳам йўқ, — деб гап бошлади Каримахон камтарлик билан, — Тошкентдаги тўқимачилик институтини битиргач, Андижондаги Володарский номли тикувчилик фабрикасига ишга келдим. Цех остонасига илк бор қадам қўйган кунимни ҳали-ҳали эслайман. Ўшанда ўзимни цехда омонатдай сезгандим. Бир четда ийманиб тургандим, прессчи Валентина Орлова тўсатдан:

— Қани, технолог қиз, берироқ келчи, — деб қолса бўладими? Юзимга олов югурди. Унга яқинлашдим.

— Муҳаббатхон Исаева «27» маркали машинани бошқаришда қийналяпти. Изма очишни яхши билмайди, — деди Орлова. — Ўргатиб қўйсангчи?

Институтда ўқиган вақтимда тикув лабораториясида, Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасида мотористка бўлиб ишлаганман. Бу машинанинг «тили»ни биларди. Муҳаббатхоннинг ўрнига ўтириб, ишини давом эттирдим.

Биринчи имтиҳондан муваффақиятли ўтдим. Олдимда иккинчи имтиҳон кўндаланг бўлиб турарди. Мен ишга келган кунлари цех реконструкция қилинган экан. Шу муносабат билан эски схема ўз кучини йўқотган, унинг ўрнига янги технологик схема тузиш керак эди. Бундай ишга биринчи марта дуч келишим эди. Шошиб қолдим. Ишни нимадан бошлашни билмасдан бошим қотди.

Старший технолог Галина Николаевна Хулудова илтифот қилди. У фабрикада ишлаб суяги қотган, ишнинг баланд-пастини биладиганлардан эди, сами мий, дўстона маслаҳатлар берди. Айтилганни кўнгилдагидан ҳам зиёда бажаришга киришдим. Ниҳоят схема тайёр бўлди.

Ўша икки имтиҳондан сўнг ишга берилиб кетдим. Коллективга таяниб ишлай бошладим. Орадан кўп вақт ўтмасданоқ мени мастерлик лавозимида ишлашга ўтказдилар.

Каримахон мастерлик қилаётган цех бир сменада 150 та шим ишлаб чиқариши керак. Иш вақти ва тикув машиналаридан оқилона фойдаланаётган уюшқоқ коллектив ҳар сменада 170-180 тадан шим тикиб, фабрика коллективи мусобақасининг пешқадами бўлиб таниляпти.

— Мўлжаллаб қўйган ишларимиз кўп, — деди Каримахон ўйчан кўзларини бир нуқтага қадаб, — цехимиздаги айрим эски машиналарни серунум машиналар билан алмаштириш учун жиддий тайёргарлик кўряпмиз. Ҳозиргача 7 та шундай машина ўрнатилди ва синаб кўриляпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Фото лавҳалар

Республикамиз саноат корхоналарида партиямиз XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлашга ўтган ишлаб чиқариш чавандозларининг сафи тобора кўпайиб бормоқда. Пешқадам бинокорлардан (юқоридаги сурат) Б. Тўраев (чапда) ва А. Крилов ўртоқлар Термиз шаҳрида қўшқават биноларни тиклашда алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар 165-қурилиш трестига қарашли 1-бошқарма меҳнатнашлари ўртасида авж олаётган съезд олди мусобақасида илғорликни қўлдан бермай келаётирлар.

◆

Штамповкачи ва ускуналарни созловчи Саттор Қодиров Тошкент металл фурнитуралар заводида 1952 йилдан буён баранали меҳнати билан коллективнинг ҳурматини қозониб келмоқда. Съезд шарафига вахтада туриб, смена топшириқларини ортиги билан бажараётир.

◆

Бухоро — Урал газ қувурининг учинчи навбати қурилишида ишлар тобора жадаллашиб боряпти. Пастдаги суратда трассага қувурлар ташиб келиш манзараси тасвирланган.

А. Тўраев, И. Глауберзон («Совет Ўзбекистони»), А. Усмонов (ЎзТАГ) фотолари.

Хоразмнинг яна бир ғалабаси

УРГАНЧ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шонли партиямизнинг XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олаётган Ленин орденли Хоразм области меҳнаткашлари яна бир ғалабани қўлга киритдилар. Чорвадорлар давлатга 17 минг тоннадан зиёдроқ серқаймоқ сут топшириб, йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажардилар. Бу билан область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг барча турлари бўйича топшириқларни муваффақиятли адо этди.

КОМПОЗИТОР, МУЗИКАЧИ, ПЕДАГОГ ЮБИЛЕЙИ

17 декабрда Свердлов номли концерт залида А. Ф. Козловскийнинг юбилей кечаси бўлиб ўтди. Бу ерга тўпланган Ўзбекистон пойтахтининг маданият арбоблари, ишчилар, студентлар Ўзбекистон композиторлар союзининг раиси А. Жабборовнинг нутқини зўр қизиқиш билан тингладилар. А. Жабборов юбилярнинг ижодий йўли тўғрисида гапириб берди.

А. Ф. Козловскийни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони ўқиб эшиттирилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов бу ерда ҳозир бўлганларнинг қизғин қарсаклари остида юбилярга Фахрий ёрлиқ топширди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан уни самимий қутлади.

Юбилей кечаси охирида А. Ф. Козловский асарларидан концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Тошкент меҳнаткашларининг бирдамлиги

Намойишчиларнинг кўпминг кишилик колонналари 17 декабрда Тошкент кўчаларига чиқди. Намойишчилар сафида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, олимлар ва студентлар бор эди. Улар курашаётган Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини зўр қатъият билан билдирдилар.

Республика пойтахти Фрунзе райони меҳнаткашларидан эллик мингдан кўпроқ киши Тўқимачилар маданият саройи олдидаги майдонга тўпланди. Намойишчиларнинг фикр ва туйғуларини акс эттирувчи «Янкилар, Вьетнамдан жўнаб қолинг!», «Агрессорларга лаънат!», «Вьетнамлик биродарлар, сизлар билан ҳамдаммиз!», деган сўзлар ёзилган плакатлар колонналар устида кўзга ташланар эди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Мария Алпатова сўзга чиқади.

— Америка ҳарбийларининг Вьетнам гупроғидаги қонли жиноятлари ҳар биримизда қаҳр-ғазаб туғдирмоқда, — деди у район митинги минбарида туриб. — Лекин империалистлар нақадар ваҳшат кўрсатмасин, уларнинг авантюраси барбод бўлади. Биз вьетнамлик ака-укалар ва опа-сингилларимизнинг жасорати билан фахрланамиз. Уларга бутун чоралар билан кўмаклашиш ўзимизнинг интернационал бурчимиз, виждон бурчимиз эканини яхши тушунамиз. Бугун биз «Вьетнамлик азиз дўстлар, тезроқ ғалабага эришингиз!» деб баралла айтмоқдамиз.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. М. Акрамхўжаев, Низомий номидаги педагогика институтининг студенти Нафиса Султонова, 89-мактаб ўқитувчиси М. З. Мастов лар митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб гапирадилар. Улар ўзларининг отаҳин нутқларида Америка империалистларига лаънатлар ўқийдилар.

Запасдаги офицер, собиқ штурман учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқулов микрофон олдига келади.

— Бутун прогрессив инсоният, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини Америка империалистлари билиб қўйишсин. Башарти вьетнамлик ватанпарварлар буни истаса, мен уларнинг муқаддас ишига ўзимнинг шахсий ҳиссамни қўшишга тайёрман. Мен аминманки, кўпгина совет кишилари ҳам шундай фикрдадир, — деди собиқ фронтчи гулдурос қарсаклар остида.

Киров районининг меҳнаткашлари колонна-колонна бўлиб «Победа» маданият ва истироҳат боғига уюшқоқлик билан бордилар. Бу ерга ўн мингдан ортиқ киши тўпланди. Қардош Вьетнам халқи билан бирдамликка бағишланган митингда Тошкент Давлат университетининг профессори Ш. Т. Толипов нутқ сўзлади.

— Америка империалистларини XX асрнинг ваҳшийлари деб атаса ҳам камлик қилади, — деди олим. — АҚШ агрессорлари тинч одамларни ўлдириб, шаҳар ва қишлоқларни напалм билан ёндириб, химиявий қуролни ишга солиб, гитлерчилар Германиясининг даҳшатли ёвузликларидан ҳам ошиб тушадиган жиноятлар қилмоқдалар. Улар ўз қилмишлари учун жавоб беришга мажбур бўладилар.

Мен бир группа совет мутахассислари билан бирга Вьетнам Демократик Республикасиги маданий қурилишда қатнашган эдим. Мен Ханой университетининг профессори бўлиб ишлаб қардошларимизнинг тинч яратувчилик меҳнатини ўз кўзим билан кўриб келдим. Мен аминманки, империалистлар Вьетнам халқини асоратга сола олмайдилар.

«Узбексельмаш» заводининг ишчиси С. Васюк, шоир Султон Акбарий, Тошкент алоқа электр-техника институтининг студенти Н. Н. Рязанцев ва район меҳнаткашларининг бошқа вакиллари митингда сўзга чиқиб, Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини айтдилар.

Тошкент Давлат университетида таълим олаётган вьетнамлик студент Май-Тхук-Нгой митингда сўзга чиққанида тўпланганлар уни самимий кутиб олишди. Вьетнамлик студент америкалик урушқоқларнинг боплаб адабини бераётган ўз халқининг қаҳрамонлиги тўғрисида ҳаяжон билан гапирди ва ўз ватандошлари олиб бораётган ҳақ иш тўла ғалаба қозонишига ишонч билдирди. У, ўз ватанига ёрдам бераётган ва у билан бирдам эканлигини билдираётган совет халқига, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашларига қизғин ташаккур айтди.

Ленин райони меҳнаткашларининг Вьетнам халқи олиб бораётган адолатли курашни қўллаб-қувватлашга бағишланган митингида «Октябрь революцияси» тепловозвагон ремонти заводи слесарларининг бригадири М. М. Гречкин, канап фабрикасининг ишчиси В. Бочарникова, рентгенология, радиология ва онкология илмий тадқиқот институтининг директори Д. А. Абдурасулев сўзга чиқдилар. Тошкент темир йўл транспорт инженерлари институтининг студенти Собирхон Тўқимов район ёшлари номидан ҳаяжонли нутқ сўзлади.

Чилонзор райони меҳнаткашларининг митингида нутқ сўзлаган ўн тўртинчи қурилиш бошқармасининг ишчиси Р. И. Шамсиддинова бутун Тошкентдаги оналарнинг фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларини жуда яхши айтиб берди.

Халқ хўжалиги институтининг доценти Т. С. Саъдуллаев, пластмасса буюмлар заводининг шлифовкачиси К. И. Шурков ва бошқа нотиқлар Чилонзор райони меҳнаткашлари номидан Америка агрессорларининг ҳаракатларини қаттиқ қораладилар.

Тошкентда бўлиб ўтган кўпминг кишилик митингларнинг қатнашчилари Америкаларнинг ҳамма қўшинларини Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетишни, Вьетнам халқига ўзининг ички ишларини ўз билганича ҳал қилиш имконияти берилишини талаб қилдилар.

(ЎзТАГ).

СУРАТДА: Киров район меҳнаткашларининг митинги.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Илғор тажриба минбари

ШЎРЎЗАК ОЛТИНИ

Колхозимиз Шўрўзак массивида жойлашган. Массив шўрҳон. Бир вақтлар бу ерда ғўза ўсмайди, ҳосил бўлмайди, дейишарди. Инсон иродаси, техниканинг қудратли кучи, химия мўъжизалари, илғор агрономия фани бу гапларни чиппакка чиқарди. Ҳамма имкониятлардан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли бу ерда пахтадан йил сайин катта хирмон йўтарилмоқда.

Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнати натижасида айниқса бу йил катта муваффақиятлар қўлга киритилди. 1170 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олинди. Жонибек Йўлдошев бошлиқ бригада 107 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан, Эркабой Эгамбердиев бошлиқ бригада 101 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан, Қозоқбой Ботиров бошлиқ бригада 96 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олишга эришди.

Абдуллажон Тўйчиев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари пахтани кўп ва арзон етиштиришда бошқаларга намуна бўлдилар. Улар 125 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан давлатга 31 центнердан «оқ олтин» сотдилар. Бригадага бириктилган ҳар бир киши ҳисобига 30 тоннадан пахта етиштирилди.

Бу йил пахтазорларимизда 30-та «зангори кема» юксак унум билан ишлади. Бу агрегатлар бункеридан 1800 тонна «оқ олтин» тўкилди. Ҳосилнинг 60 процентини машиналарда йиғиштириб олинди. Ўртоқ Ж. Йўлдошев бошлиқ бригада бутун майдондаги пахтанинг 78 процентини, ўртоқ Қ. Ботиров бошлиқ бригада 70 процентини, ўртоқ Э. Эгамбердиев бошлиқ бригада 68 процентини агрегатларда йиғиб-териб олишга эришди. Ўртоқ А. Тўйчиев бошлиқ бригада эса ҳосил йиғим-теримини машиналар зиммасига тўла юклади. Колхозимизда 1965 йилда ҳосилнинг асосий қисми механизация воситаси билан йиғиб-териб олинганлиги учун хўжалигимизга область ижроия комитетининг мақтов ёрлиғи берилди.

Даромадимиз олган ҳосилимизга яраша мўл бўлди. Колхозимиз етти йиллиннинг якунловчи босқичида бир миллион 600 минг сўм, ўтган йилдагидан юз минг сўм кўп даромад қилди. Ҳосилни машинада теришдан 750 минг сўм тежаб қолдик. Биринчи сорт пахтани кўпроқ топширганимиз учун Иттифоқ ҳукуматининг шу йил 5 август қарорига асосан 67 минг сўм фойда кўрдик. 30 та терим машинасини сотиб олишга қилинган харажат механизациялашган теримдан кўрилган фойда ҳисобига икки йилда қопланди.

Колхозчиларимиз бу йил меҳнат кунларига мўмай пул оладилар. Уларнинг ҳар бир меҳнат кунига ўтган йилдаги 4 сўм 80 тийин ўрнига 5 сўмдан пул тақсимлаб берилади. Ҳар бир колхозчи бир ойда ишлаган меҳнатига 150 сўмдан, механизаторлар эса 250 сўмдан пул олишади.

Хўш, биз бу муваффақиятларга қандай қилиб эришмоқдамиз?

Усимлик учун энг зararли тузхлорли тузлар билан қопланган Шўрўзакда пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг ўзига хос технологияси бор. Колхозимизда ер ҳайдаш октябрда бошланиб, ноябрь ойи охирларида — далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммларини йиғиштириб олишни тугаллаш билан бир вақтда тамом. Экин майдонлари мумкин қадар чуқурроқ шудгор қилинади. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 250-300 килограммдан суперфосфат солинади. Маҳаллий ўғит эса шудгорни эрта баҳорда юмшатиш вақтида сочилади.

Экин майдонлари шўрҳоқ бўлган кўпгина хўжаликларда шўр ювиш шудгорлашдан олдин ўтказилади. Балки уларнинг тупроқ шароити шуни талаб қилар. Аммо бизнинг тажрибамиз олдин ерлар чуқур юмшатилиб, сўнгра шўр ювилса хлорли тузлар яхши йўқотилажагини кўрсатди. Шудгорлаш натижасида зararли тузлар тупроққа қанчалик кўп аралашмасин, ер юмшоқ бўлганлиги сабабли сув шўрни чуқурроқ тушириб юборади, тупроқ туздан яхши тозаланади. Кам шўрланган экин майдонларимиз ҳар йили қишда икки марта, ўрта даражада шўрланган далаларимиз уч марта, ортиқча шўрланган карталаримиз тўрт марта ювилса, хлорли тузлар экинга зarар етказа олмайди.

«Эрга навбат, шерга навбат», деганларидек экинлар ҳам вақтивақти билан алмаштириб турилиши керак. Узоқ йил давомида бир майдонга бир хил экин экилаверса тупроқ нучсизланиб қолади, ҳатто ер ишдан чиқади. Бундай майдонлардан мўл ҳосил олиш қийин. Ерни чарчатиб қўймаслик мақсадида биз бир неча йилдан буён алмашлаб экиш усулини кенг қўлланиб келмоқдамиз. Колхозимизда тўқиз даланинг олтитасига пахта, учтасига озуқабоп экинлар, асосан беда экилади. Учинчи йили кузда бедапоя бузилиб, баҳорда чигит экиш учун тайёрлаб қўйилади. Экиш вақтигача беданинг илдизлари яхши чиришди ва тупроқда органик моддалар кўпаяди. Бузилган бедапоянинг ўрни ориқ пахтазорлар ҳисобига тўлдириб борилади. Алмашлаб экиш схемасига мувофиқ, келаси йили 120 гектар бедапоя бузилади. Бу тадбирлар ернинг унумдорлигини ошириш, структурасини яхшилаш имконини беради.

Моддий бойликларни одамлар яратишади. Шунинг учун уларга нисбатан меҳрибон бўлиш, талабэҳтиёжларига сезгирлик билан қулоқ солиш, ҳамма нарсани муҳайё қилиб бериш керак. Колхозимиз правлениеси худди шундай қиляпти. Бизда колхозчилар моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилишидан ташқари, колхоз правлениеси уларнинг томорқа ерларини ҳайдаб беришда, экинлар экишда, маҳсулотларни йиғиштириб олишда ва марказлашган ҳолда сотишда ёрдамлашади. Шу тариқа колхозчиларнинг бутун диққат-эътибори пахтадан мўл ҳосил етиштиришга, далаларда қизиқиб ишлашга, дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли бажариш учун тинмай курашга қаратилмоқда.

1965 йил ҳосили батамом йиғиштириб олинди. Пахтазорлар ғўзапоялардан ҳам тўла тозаланди. Аммо далаларда иш тўхтатиб қўйилгани йўқ. Навбатдаги ҳосилга пухта замин яратиляпти. Янги беш йиллиннинг дастлабки йилида гектаридан 30 центнердан хирмон кўтаришни кўзлаб иш тутяпмиз. Ҳамма пахта майдонлари шудгорлаб қўйилди. Ерлар чиқиқарли плуглар тиркалган тракторлар билан 32-34 сантиметр чуқурликда, ўтган йилдагидан 1,5-2 сантиметр чуқурроқ ҳайдалди. Шудгорлаш олдидан тупроқнинг ҳолатига қараб гектаридан 250 килограммдан 350-400 килограммгача суперфосфат солинди. 300 гектар майдоннинг шўри бир марта ювилди.

Хўжалигимизда гўнг етишмайди. Шу сабабли биз ерни ўғитлаш ва экинни озиқлантиришда маҳаллий ўғитнинг бошқа турларидан, кўпроқ компостдан фойдаланамиз. Эрта баҳорда ва экиш олдидан тупроққа солиш учун ҳозиргача 2 минг тоннадан ортиқ компост тайёрлаб қўйилди. Ҳар бир тонна компостга 20 процент миқдорида суперфосфат аралаштириб тайёрланяпти. Суперфосфат компостни яхши ачитади, сифатли чиритади. Натижада компостнинг қиммати ошади. Бу аралашма солинган далаларга кўнламда минерал ўғит солинмайди. Бу эса бизга ўғит сотиб олиш учун ажратилган маблағнинг бир қисмини тежаб қолиш имконини беради.

Янги беш йиллиннинг дастлабки йили кириб келяпти. Ҳеч шубҳа йўқки, янги йил янги ғалабалар келтиради. Қишлоқ хўжалигида янада юқорироқ марраларга эгалланади. Биз агротехника тадбирларини бундан ҳам изчил амалга ошириш, бой тажрибаларни кўпроқ ишга солиш, прогрессив усулларни ишлаб чиқаришга кенгроқ жорий этиш йўли билан 30 центнерли маррани албатта эгаллаймиз. Колхозчиларимизнинг руҳи жуда баланд.

Т. ҒУЛОМОВ,
Сирдарё область, Сирдарё районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Бу йил ҳаво жуда очиқ келди. Декабрда ҳам Тошкентда баҳор нафаси кезиб юрибди, қуёш мусаффо кўкда жилмайиб турибди. Об-ҳавонинг бундай тантилиги шаҳримизда қурилиш ва ободончилик ишлари суръатини жуда сайин ошириш учун жуда яхши шароит туғдирмоқда.

Қувонч билан айтиш керакки, бутун республикамиз меҳнаткашлари қатори тошкентликлар ҳам етти йилликни муваффақиятли якунламоқдалар. Қатор корхоналар, қурилишларнинг азамат коллективлари етти йиллик топшириқларини ошириб адо этиб, жонажон Коммунистик партия XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, янги қўшимча мажбуриятларни бажариш учун қурашмоқдалар.

Ишчи-хизматчи, зиёлилар — бутун Тошкент меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшилмоқда. Сўнгги йилларда бу ерда қурилиш ва ободончиликка катта эътибор берилаётганлигига дўстларимиз ҳам, чет эллик меҳмонларимиз ҳам қойил қолмоқдалар. Ҳа, қурилишнинг бундай суръат ва кўламини шаҳарнинг кўҳна тарихи кўрган эмас! Янги йирик саноат корхоналари, маданият саройлари, маъмурият бинолари қад кўтармоқда. Қурилишнинг қудратли индустрия базаси вужудга келди. Бу қўлимизни узун, кўнглимизни тоғ этди.

Уй-жой қурилиши айниқса кенг ривож топди. Етти йиллик мобайнида 60 минг квартирадан ортиқ уй-жой биноси тикланди, қарийб 210 минг киши янги уйларга кўчиб кирди. Йирик уй-жой массивлари барпо этилди. Юз минг ўринли мактаб, 26 минг болага мўлжалланган боғча ва ясли бинолари, шифохоналар, замонавий архитектура асосида қурилган кино-театр ва бошқа маданий-маиший бинолар қад кўтарди. Янги сайилгоҳлар, ҳиёбонлар қулоч ёйди.

Тошкентда қурилиш ишларининг катта миқёсда олиб борилаётганлиги, об-ҳавонинг қуруқ келганлиги шаҳарни озода сақлаш, унинг санитария ҳолатини янада яхшилашга алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда. Ҳозирча бу соҳада олиб борилаётган ишлар талаблар даражасида эмас. Кўп тармоқли шаҳар хўжалигини бошқаришда, кўча ва ҳиёбонларни, саноат корхоналари ва муассасалар, олий ўқув юртлари ва мактаблар, уй-жой бинолари ҳовлиларида ва қурилиш майдонларида озодалик учун тинмай курашиш керак. Ана шуни назарда тутиб, Тошкент шаҳар партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети шу йилнинг 10 декабридан бошлаб шаҳарни янада обод қилиш, унинг санитария аҳволини янада яхшилаш ойлиги ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу ишларга бевосита амалий раҳбарлик қилиш ва бошқариш учун шаҳар партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларидан иборат махсус штат тузилди.

Ойлик давомида бир қанча ишлар амалга оширилади. Шу кеча кундузда шаҳарнинг деярли барча кўчаларида тозалаш ва ремонт ишлари олиб борилаётир. Янги майдон, хиёбонларга асфальт ётқизилмоқда. Шу давр ичида чунончи, Аэровокзал майдонига қайта асфальт ётқизилади, Сапёрная майдонида эса қурилиш ишларининг асосий комплекти тугалланади. Собир Раҳимов номли кинотеатр майдони ва бошқа йирик кўчалар ремонт қилиниб, асфальт ётқизилади. Йирик кўчаларни бирлаштирувчи кичик кўчаларни ҳам асфальтлаштириш кўзда тутилган.

Шунингдек, Пролетарская, 1- Май, Жуковский кўчаларининг трамвай кесиб ўтган жойларига асфальт ётқизилади, майдонлар, кўчалар чеккасига чиройли панжаралар ўрнатилади. Айрим трамвай йўлларига темир-бетон плиталар ётқизилади. Бундай плиталар йирик қурилиш олиб бораётган объектларга туташган йўл ва кўчаларга ҳам ётқизилади. Йўлкалар ва ариқлар тартибга келтирилади. Қисқаси шуки, ойлик кунлари давомида йўлларни тартибга келтириш учун шаҳардаги бор кучни ишлатиш кўзда тутилган.

«Салом» чойхонаси, «Буратино» кафеси ва бошқа маданий-маиший бинолар атрофини янада обод, кўкламзор қилишга қаратилган ишлар амалга оширилади.

Шаҳарни бадиий жиҳатдан безашда ҳам бир қанча тадбирлар мўлжалланилган. Халқимизнинг қаҳрамонона меҳнатини мадҳ этувчи алвонлар, диаграммалар ўрнатилади, 20 га яқин йирик панно қурилади. Хиёбонларга, транспорт тўхташ жойларига чиройли скамейкалар қўйилади. Биллур фонтанчалар тартибга келтирилади. Телефон будкалари ремонт қилинади. Янги машъалалар, светофорлар қурилади. Оқшомлари кўчаларда чироқли рекламалар порлаб туради.

Шаҳарда транспорт қатновини яхшилаш ҳамда уларнинг озода бўлиши, чиройли безатилишига эришиш керак. Меҳнаткашларга транспорт хизматини янада яхшилаш учун айрим тадбирлар амалга оширилади. Янги трамвай вагонлар аҳоли хизматига чиқарилади. Мана шуларнинг ўзи ойлик давомида жуда катта ишлар олиб борилажагини кўрсатади.

Қурилиш ҳамда ободончилик ишларига район партия ва совет ташкилотлари, маданий оқартув муассасалари, завод ва фабрика коллективлари кенг қатнашишлари лозим. Ҳозир барча районларда озодалик ишлари билан шуғулланувчи штаблар ишлаб турибди. Район ижроия комитетлари, партия ташкилотлари активлар ва депутатларга таянган ҳолда корхоналар, қурилиш, мактаб ва олий ўқув юртлари, бошқа муассасаларнинг бошлағич партия ташкилотлари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ердамида барча меҳнаткашларни хайрли ишга — шаҳримизни янада чиройли ва гўзал қилишга сафарбар этишлари лозим.

Тошкент — Шарқнинг кўрки, дейилади. Чиндан ҳам у кўркам шаҳар. Уз меҳри, меҳнати билан уни янада гўзаллиққа бурнаш ҳар бир тошкентликнинг муқаддас бурчидир. Уз шаҳрини севган, чинакам ватанпарвар бўлган ҳар бир киши бу хайрли ишдан четда қолмаслиги керак.

Меҳримиз, меҳнатимиз билан яхши из қолдириб, шаҳримизни обод қилайлик, уни озода ва пок сақлайлик.

Ҳ. АСОМОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

ХУШХАБАРЛАР

Тошкентдаги «Компрессор» заводи 1965 йилда мамлакат бинокорлари ва йўл қурувчиларига «ПК-10» маркали 500 та компрессор станцияси етказиб бериш керак эди. Корхона коллективи Ватаннинг бу топшириғига ўзгариш киритди — коллектив олти юз олтмиш саккиз станция ишлаб чиқаришга қарор қилди. Уларнинг олти юз ўнтаси ҳозирдаёқ заводнинг йиғув цехидан чиқарилди.

Корхона коллективи КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, келгуси йилда ҳар ойда қўшимча суратда йигирма машина тайёрлаш, биринчи квартал планини съезд очиладиган кунгача бажариш ва пландан ташқари қирқ минг сўмлик маҳсулот беришга қарор қилди.

* * *

Кипр оролидаги медицина муассасалари Ўзбекистон фармацевтлари маҳсулотини доимий суратда импорт қиладиган бўлдилар. Тошкентдаги химия-фармацевтика заводи ана шу медицина муассасалари учун яхши таъсир этадиган дори—коомид ампулаларини етказиб бериш заказини бажарди.

Корхона коллективи Совет Иттифоқи соғлиқни сақлаш органларига ҳамда ўн бешта чет мамлакатга дориворларнинг юздан ортиқ турини етказиб бермоқда. Заводда препаратлардан бир қанчаси биринчи марта кўплаб тайёрланмоқда.

Завод коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан етти йиллик охирги йили планини муддатдан илгари бажарди. Корхонада дориворлар ишлаб чиқариш 1958 йилга нисбатан икки баравар ошди.

* * *

Экскаваторчилар Амударё этакларида қурилаётган 18 километрли Жанубий Хоразм канали ўзанидан дастлабки бир миллион тонна кубометр тупроқ қазиб чиқардилар.

Ана шу суғориш дарёни барпо этиш учун олиб борилаётган ишлар кун сайин авж олдирилмоқда. Қурилишга қудратли ер қазиш техникаси — гигант землесослар, роторли экскаваторлар, гидромониторлар ва бошқа ускуналар тинмай келтирилмоқда. Жанубий Сурхон ва Каркидон сув омборлари, Аму—Бухоро канали қуруқчилари бу ерга етиб келдилар.

Олмалиқ мис эритиш заводи кенгайтирилмоқда. Бу ерда янги қувватлар бирин-кетин ишга туширилаётир. Ҳозир янги участкада ускуналарни монтажлаш ишлари қучайтириб юборилди. Суратда: ўз касбига ихлос қўйган монтажчилардан П. Вдовин ва А. Конов ўртоқлар. Улар технологик ускуналарни монтажлаш ишларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ТАЪЛИМ ВА ҲАЁТ

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг қишлоқ хўжалигини электрлаштириш факультетини бу йил биринчи марта тугатган 39 студент республикамизнинг узоқ қишлоқларига ишлаш учун жўнаб кетишди.

П. Рустамов.

В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институти бошлангич таълим методикаси факультетининг V курс студентлари Урганч шаҳридаги мактабларда педагогик практика ўтказишяпти.

Р. Ҳайитбоев.

Хўжаобод районидаги Киров номли 14-мактабда таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш мақсадида куни узайтирилган группалар ташкил қилинди.

У. Раҳматуллаев.

Чилонзор районидаги 162-мактабда инглиз тили бурчаги очилди. Уни ташкил этишда мактабда педагогик практика ўтказаётган Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти студентларининг хизмати катта бўлди.

Қ. Маматқулов.

ЎЗБЕКИСТОН — ЛИТВА ДЎСТЛИГИ

ВИЛЬНЮС, 16 декабрь. (ТАСС мухбири). Бугун Литвада Ўзбекистон — Литва дўстлиги кунлари бошланди. Серқуёш Ўзбекистондан дўстлик байрамига келган вакилларни литваликлар Балтика бўйидаги булутли ва салқин кунларда ўз қалбларининг ҳарорати билан иситдилар. Вильнюс аэропортида меҳмонларни Литва ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси В. Банюлис, Литва пойтахти жамоатчилигининг вакиллари табриклаб кутиб олишди.

Ўзбекистон — Литва дўстлиги кунлари келаси ҳафта бошигача давом этади. Республика пойтахтида ва бошқа катта шаҳарларда ўзбек фильмларининг фестивали ўтказилади. Қардош республика вакиллари Литванинг кинотомошабинлари ва кино ходимлари билан учрашадилар, заводларга борадилар, тарихий ва архитектура ёдгорликларини томоша қиладилар, театрларда бўладилар.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР

Тошкент шаҳар партия ходимларининг иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар комитетларининг Спесий маориф уйида очилган конференцияда Тошкент шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, ходимлари, бошлағич партия ташкилотларининг секретарлари, корхоналарининг раҳбарлари қатнашдилар.

Биринчи қўшма мажлисда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги иқтисодий анализ жамоат бюросининг раиси, техника фанлари кандидати А. Б. Худковский «Саноат корхоналарининг резервлари ва КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида ана шу резервлардан фойдаланиш» ҳақида, «Ташсельмаш» заводи меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Л. Б. Бенкенштадт «КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш» тўғрисида доклад қилдилар.

Шундан кейин секцияларда «Техника тараққиёти — меҳнат унумдорлигини оширишнинг негизи», «Техника даражаси ва маҳсулот сифати — корхоналар ишининг муҳим кўрсаткичи», «Хўжалик ҳисоби — социалистик хўжаликни бошқаришнинг асосий методи», «Маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш йўллари», «Асосий ва оборот фондларидан фойдаланишни яхшилаш — ишлаб чиқариш эффективлигини оширишнинг муҳим шарти» деган темаларда докладлар тингланди.

Иккинчи қўшма мажлисда «Қизил тонг» тикув фирмаси партия ташкилотининг секретари А. Ахмонова «Планлаштиришнинг янги системаси ва савдо тармоқлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб ишлаш тажрибалари» ҳақида, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Расулов «КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноатга партия раҳбарлигини яхшилаш тўғрисида» доклад қилдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан партия ходимлари иқтисодий билимларни, саноат корхоналаридаги мавжуд катта-катта резервларни қидириб топиш йўлларини чуқур ўрганмоқдалар.

ЖУРНАЛИСТНИНГ МЕҲРИ ТУШГАН МАВЗУ

Газетчининг иш столида журналистнинг маҳоратига доир китоблар билан бир қаторда саноат ва қишлоқ хўжалиги экономикасига оид китоблар ҳам пайдо бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари қарорларини кенг пропаганда қилаётган журналистлар халқ хўжалиги экономикасини ҳам пухта ўрганмоқдалар. Иқтисодий мавзуга қаламкашларнинг меҳри тушган.

Яқинда Самарқанд область партия комитети иқтисодий темада қалам тебратадиган район ва область газеталари журналистларининг семинар-кенгашини ўтказди. Семинарда область партия комитетининг биринчи секретари Ўрток С. Усмонов «Газетада иқтисодий масалаларнинг ёритилиши» деган мавзуда доклад қилди. «Экономическая газета»сининг партия турмуши бўлими мудири А. Красов, шу газетанинг Ўрта Осиё республикаларидаги мухбири А. Комаровский ҳамда область ва район газеталарининг редакторлари экономика масалаларини газетада ёритиш юзасидан тўпланган тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар, келгусидаги режалари билан ўртоқлашдилар.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

УРГАНЧ, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Урганч шаҳрида «Совет Ўзбекистони» газетаси газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцион коллегиясининг аъзоси, қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Ўрток Ҳ. Нуъмонов газетанинг фаолияти, режалари тўғрисида ахборот берди.

Урганч пахта тозалаш заводи партия ташкилотининг секретари И. Курбонов, Ленин номли тикувчилик фабрикасининг ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори С. Ҳожиева, Урганч ёғ заводининг ишчиси Т. Сафаров, «Хоразм ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари Қ. Юсупов, Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Жабберганов, область партия комитетининг секретари Р. Жуманиёзов ўртоқлар музокараларда сўзга чиқиб, газетанинг тематикаси анча кенгайганлигини, «Совет Ўзбекистони» саҳифаларида машъаллар тажрибаси дуруст ёритилаётганлигини айтиш билан бирга шаҳар ҳаётини, хусусан қурувчилар, санъаткорлар ҳаётини кенгроқ ёритиш керак, ажойиб анъаналар тўғрисида ҳам тез-тез материаллар бериб туриш зарур деган истак билдирдилар.

* * *

Хива шаҳрида ҳам «Совет Ўзбекистони» ва «Хоразм ҳақиқати» газетаси газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. «Совет Ўзбекистони» газетаси пропаганда ва агитация бўлимининг мудири О. Абдурахмонов, «Хоразм ҳақиқати» газетасининг редактори Э. Раҳимов ўртоқлар газеталарининг фаолияти тўғрисида ахборот беришди. Газетхонлар кўпгина қимматли таклиф, мулоҳазаларни изҳор қилдилар.

Конференциялар охирида область театрининг санъаткорлари катта концерт бердилар.

Ф. ЗОҲИДОВ.

ВАҚТИНГ КЕТДИ — НАҚТИНГ КЕТДИ

Иқтисодий темада

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини ошириш, камроқ меҳнат сарфлаб кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал маблағлар ва ишлаб чиқариш фондларидан, мавжуд резервлардан рационал фойдаланиш — саноат ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. Кейинги йилларда республикамиз индустрияси ва унинг етакчи тармоқлари тез суръатлар билан юксалмоқда. Етти йиллик мобайнида умумий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баравар кўпайди. Шу вақт ичида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ускуналари тайёрлаш 3,2 баравар ортди.

Машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқаришга асосий фондларни такомиллаштириш ва янгилаш, бу фондлардан тўғри фойдаланиш ва ички резервларни ишга солиш йўли билан эришилди. Агар мавжуд имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилганда, экономикани юксалтириш соҳасида бундан ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин эди. Ҳар бир завод, фабрика ва участкада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириб, унинг сифатини яхшилашни таъминлайдиган жуда кўп резервлар бор. Булардан бири иш вақтидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишдир

Республика саноатида ҳали ҳам иш вақтининг бир қисми исроф қилиримоқда. Статистика ҳисоботларида кўрсатилган рақамларга мурожаат қилайлик. Етти йилликкинг ўтган даври мобайнида умумий иш вақти фондининг 0,23 проценти бекор кетган. Бошқача қилиб айтганда, саноатда фойдаланилиши лозим бўлган 2,6 миллион киши-соатидан турли сабаблар билан фойдаланилмаган. Машинасозлик саноатида зое кетган иш вақтининг ўзи 14 процентни ташкил қилади. Буюк экономист К. Маркс иш вақтини тежаш туфайли барча иқтисодий муваффақиятларга эришиш мумкинлигини таъкидлаган эди. Мана бирғина мисол: «Таштекстильмаш» заводида пилталагич машиналарининг деталларидан бири оқ тунукадан ясалади. Совутиш усули билан штамповкалаш натижасида тайёрламалар ҳосил қилинади. Уйдан кейин улар станокларга қўйиб қайта ишланади. Эндиликда пилталагич машиналарининг ана шу қисми пресс-порошоклардан тайёрланяпти. Шу йўл билан детални тайёрлашга сарф бўладиган иш вақти икки баравар қисқарди. Илгари юз детални ишлаб чиқариш учун, айтайлик, камида 36 минут кетган бўлса ҳозир тежаб қолинган вақт мобайнида қўшимча равишда яна 100 та деталь тайёрлашга муваффақ бўлинмоқда. Завод экономистларининг ҳисоб-китобларига қараганда, янги рационал технологияга амал қилиш йилига 9600 соат иш вақтини тежаб қолишга имкон беради. Яъни тежалган иш вақти мобайнида 1857 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Саноатни бошқаришни такомиллаштириш, планлаштиришни илмий асосларда ташкил этиш, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни мунтазам равишда яхшилаб, технология жараёнларини такомиллаштира бориш — меҳнат унумдорлигини кўтаришнинг энг яхши усулидир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми меҳнатни илмий асосларда ташкил қилиш методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни активлаштиришга қаратилган тадбирларни белгилади. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш иш вақтидан муваффақиятли фойдаланишнинг асоси ҳисобланади. Машинасозлик заводларида бекор ўтаётган кундалик иш вақтини махсус ҳисобга олиб бориш жуда фойдали бўлур эди. Ана шундай ҳисобга олиш исроф бўлаётган иш вақтининг сабабларини объектив аниқлаш имконини беради. Цехларда бундай ҳисобни кичкина дафтарчаларга қайд қилиш билан амалга ошириш мумкин. Дафтарда махсус графалар очилиб, уларга 30 минутдан кам бўлган бекор ўтган иш вақтининг ишчилар томонидан аниқланган сабаблари ҳам ёзиб борилади. Ҳисобга олишнинг бундай усули бекор ўтган вақтларни холисона аниқлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни ошириш, иш вақтидан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Яқинда машинасозлик корхоналарида ўтказилган текширишлар зое кетаётган иш вақти анчагина миқдорни ташкил этишини кўрсатди. Вақтдан тўғри фойдаланмаслик корхоналарнинг бир меъёрда ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда маъмурият ишдан ташқари вақтларда ҳам маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйиш учун чоралар кўришга мажбур бўлмоқда. «Ташсельмаш» заводида шу йилнинг 9 ойида белгиланганидан ташқари 56 минг соат вақт сарфланган. «Узбексельмаш» заводида бу кўрсаткич қарийб 8000 соатга етди. Сменалар ишлаб турган вақтда бекор кетаётган вақтларни камайтириш меҳнат унумдорлигини ошириш учун резерв бўлиб хизмат қилади. Текшириш қатнашчилари «Таштекстильмаш», «Узбекхлопкомаш» трактор йиғув заводлари ва бошқа корхоналарда сменалар давом этиб турган давда иш вақтининг бир қисми бекор ўтаётганлигига оид кўп фактларни аниқладилар

«Узбекхлопкомаш» заводининг металл йўнувчиси Ўрток В. Судаков станок қисмларини чархлаш учун смена давомидаги иш вақтининг бир ярим соатини сарфлади. Экскаватор заводининг слесари Л. Ефимов уч соат қўл қовуштириб ўтирди: ишланадиган деталлар участкага ўз вақтида етказиб берилмади.

Машиналарнинг, ускуналарнинг, ишчиларнинг бекор турганлигини мастер ҳам, цех бошлиғи ҳам, корхона раҳбари ҳам билади. Аммо улар ҳамиша ҳам бундай аҳвол нималарга олиб келишини мулоҳаза қилиб кўрмайдилар. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек минутлар йиғилиб соатларни ташкил қилади. Ўтган йили «Компрессор» заводида бекор ўтган иш вақти 20 минг ишчи кунига тўғри келди.

Республика корхоналарида меҳнат интизомининг бузилишига оид фактлар ҳам баъзан учраб турганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёмон таъсир кўрсатмоқда. Ишга ўз вақтида етиб келмаслик ва прогулчилик «Ташсельмаш» заводида тез-тез учраб туради. Ана шундай прогулларни бартараф қилиш йўли билан корхона ўтган йили қўшимча равишда қарийб 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаши мумкин эди.

Айрим корхоналарда иш вақтидан тўғри фойдаланмаслик ҳолларига кескин хотима берилмаётир. Қибатда ўтган йилги камчиликлар бу йил яна такрорланмоқда. «Красний двигатель» (Самарқанд) заводида учинчи кварталда сменаларда иш давом этиб турган вақтларда 17 минг соат бекор ўтди.

Меҳнатни тўғри ташкил қилиш тадбирларини муттасил амалга ошириш зарур. Бу факат хўжалик раҳбарларинингина эмас, балки корхона планлаштирувчи ва иқтисодий бўлимлар мутахассисларининг ҳам бурчидир. Ҳозирча бу масалага етарли эътибор берилмаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми корхоналарда иқтисодий ишларни пухта йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Техникани тараққий эттириш, фондлардан тежаб-тергаб, иш вақтидан самарали фойдаланиш ҳар бир кишининг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини оширади. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, республикамиз машинасозлик корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. «Вақтинг кетди — нақтинг кетди» деган гап бор. Зое кетган минутларни, соатларни тиклаб бўлмайди. Иш вақтининг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланиб, корхоналарнинг фойда кўриб ишлаши чораларини кўриш ҳар бир мутахассис, ишчи ва хизматчининг жонажон бурчидир.

Ш. ЗАИНИДДИНОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг аспиранти.

19 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚ СУДЛАРИГА САЙЛОВ

ОРЗУ

Бизнинг ажойиб замонамизда ўз орзусига эришмаган, ўз севган касби билан шуғулланмаётган ким бор? Ҳали ўрта мактаб қучоғида ўқиб юрган вақтидаёқ Ҳалимада юрист бўлиш орзуси туғилганди. Ана шу орзу уни катта илм даргоҳларидан бири — Тошкент Давлат юридик институтига олиб келди. 1951 йилда у институтни муваффақиятли битириб ҳаётга йўлланма олди.

Мана бир неча йилдирки, Ҳалима Исҳоқова Тошкент шаҳар Ленин район халқ судьяси. Ҳалима опа ҳар бир ишни шошмасдан, пухта ўйлаб ҳал қилишга одатланган, Гражданларнинг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги аризаларини кўрганда ҳам у, бу масалага совет оиласини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ёндошади. Ажралишга олиб келаётган сабабларни чуқур ўрганиб, эр-хотинларни яраштириб қўйишга ҳаракат қилади.

Характерли бир мисол. Раъно Орипова эри Эргаш Орипов билан арзимаган нарсага жанжаллашиб, бир-бирларидан ажрашиш учун судга — Ҳалима опа олдига келадилар.

— Халқимизда эр-хотиннинг уриши, дока рулонинг қуриши, деган нақл бор, синглим. Шошманг, сабр қилинг. Биринчи муҳаббатингизни, соф севгингизни хазон қилмай, ардоқланг. Бири-биридан ширин 3 фарзандингиз бор экан. Уларни тирик етим қилманглар, — деди Ҳалима опа.

Ҳозир улар жуда аҳил ва тотув яшамоқдалар. Яқинда Раънохон Ҳалима опани учратиб қолиб, ўз ҳаётидан мамнунлигини қувона-қувона ҳикоя қилди.

Ҳалима опа социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга интилиш билан бирга, порахўрлар, ўз мансабини суиистеъмол қилувчи шахсларга қарши муросасиз қураш олиб бормоқда, меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётир.

Урта Осиё темир йўли Тошкент бўлимига қарашли ОРС-НОД 1- нинг 17- магазини сотувчиси Татьяна Коломейцева ноҳақ ишдан бўшатилганлиги тўғрисида халқ судига ариза бериб, ўз ишига тиклашни илтимос қилди.

Т. Коломейцеванинг аризаси судьяни ўйлантириб қўйди. Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, магазин мудири Ёқубов Коломейцевадан ҳар ойда 150 сўмдан пул бериб туришни талаб қилган. Бу шартдан бош тортган Коломейцевани «штат қисқарди» — деган баҳонада, касаба союз ташкилотининг розилигисиз ишдан бўшатиб юборган. Одил судья бу ишга жиддий ва объектив ёндошди. Коломейцева ўз ишига тикланди. Уз мансабини суиистеъмол қилган порахўр Ёқубов эса қилмишига яраша жазо олди.

Ҳалима опа ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу йил бўлиб ўтган воқеа Ҳалима опа хотирасида чуқур из қолдирди. Гражданка В. Д. Приемченко боласини олиб бериш ҳақида халқ судига ариза берди.

Судья масалани синчиклаб ўрганишга киришди.

Воқеа бундай бўлган эди. Владислав Леонтьевич Шитов билан Владислава Владимировна Шитовалар бир неча йилдан бери аҳил ва бахтиёр яшашарди. Лекин улар фарзанд кўрмадилар. Шунинг учун улар бола асраб олишга қарор қилишди. 1964 йилда эр-хотин Ростов-Донга қариндошларининга меҳмонга борганларида ўша ердаги 1- болалар уйига мурожаат қиладилар. Бу ерда Ирина исмли қизча борлигини, унинг онаси 2 йилдан буён бирор марта хабар ҳам олмаганини айтиб, уни олиб кетишни маслаҳат бердилар. Қизча кўп касал бўлганлигидан жуда ниҳиф бўлиб қолган, бўлар-бўлмасга йиғлайверар экан. Шунда тарбиячилар:

— Яқинда аянг келиб сени олиб кетади. Йиғласанг олиб кетмайди, деб овутишаркан! Тарбиячилар Иринанинг олдига бориб:

— Тезроқ юр, сени олиб кетгани аянг келди дейишса, у эшикка югуриб чиқиб, Владиславанинг қучоғига ўзини отиб, мурғак қўлчалари билан унинг бўйнидан қучоқлади:

— Аяжон келдингизми, мен сизни шунча кўп кутдим, — деб унга маҳкам ёпишиб олди. Қизчанинг бу хатти-ҳаракати Владиславанинг қалбида унга нисбатан оналик ҳиссини уйготиб юборади Эр-хотин Иринани олиб уйларига — Тошкентга қайтдилар. Фарзандга ташна оила аъзолари уни меҳр билан тарбиялай бошладилар. Қизча соғайиб, семириб, насал кўримаганден бўлиб кетди. Уни болалар боғчасига бердилар. Хуллас Ирина бутун оила аъзоларининг энг катта қувончи бўлиб қолади. Бироқ, йўқолган пиччоқнинг сопи олтин деганларидек, қонунсиз туғилган боласини болалар уйига топшириб кетган В. Приемченко бундан хабар топиб, Иринани қайтариб олиш йўлини ахтара бошлайди. У ана шу мақсадда В. Д. Шитов ва В. Шитовани судга беради. Суд ишни чуқур ўрганиб, томонларни эшитиб, гувоҳлар, ҳамда жамоатчилик фикрига асосланиб, Шитовлар оиласида қизнинг тарбияси учун барча шароит мавжудлигини ҳамда у бу оилага қаттиқ ўрганиб қолганлигини ҳисобга олиб, уни шу оилада қолдириб, бемеҳр она Приемченконинг илтимосини рад этди. Суднинг бу ҳукмини суд процессида иштирок этувчилар ҳам қизғин маъқулладилар.

Унинг бутун фаолияти — ўз сайловчиларининг юксак ишончини оқлашга, халққа хизмат қилишга қаратилган. Чунки у — халқ судьяси!

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

ИТТИФОҚДА БИРИНЧИ МАРТА

ФАРҒОНА, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ленинграддаги ёғ-мойлар бўйича Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг бир группа олимлари Қўқон ёғ-мой комбинатига келишди.

Корхонада пахта ёғини комплекс равишда қайта ишлайдиган цех қуриб битказилиши муносабати билан олимлар янги маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқмоқдалар. Бу иш охирига етказилиши натижасида Қўқон ёғ-мой комбинатида Иттифоқда биринчи марта ишга туширилган технология асосида фосфотидли концентратлар ишлаб чиқарила бошланади. Бу концентратга витаминлар қўшиш билан чорвачилик учун тўйимли бўлган янги озуқалар тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин бўлади.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

КПСС XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилаётган Самарқанд райони совхозлари чорвадорлари катта меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Улар давлатга сут сотиш йиллик планини 15 декабрда ошириб адо этдилар. Давлатга 6947 ўрнига 6952 тонна сут топширилди.

Чорвадорлар ўз имкониятларини ҳисобга олиб чиқишиб, яна 250 тонна сут топшириш мажбуриятини олдилар.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТАЛАНТЛИ РЕЖИССЁР

...Уруш даҳшатининг машъум қўланкаси неча минг чақирим масофадаги бу шаҳарга ҳам ўзининг совуқ нафасини уфурган. Кўчалар файзсиз. Аммо унда чопиб бораётган болаларнинг қалбларини бир лаҳза қуёш илитгандай бўлди. Ҳозиргина шаҳар кинотеатрида фильм кўриб ўтирган бу болаларнинг кенжатойларидан бири Дзидранинг онаси топилганмиш, қидириб келганмиш деган хабар уларни энтиктириб юборган. Уруш туфайли ота-оналаридан жудо бўлиб, тошкентлик бир темирчининг уйида бошпана топган, оталик меҳри ва оналик муҳаббатини туйган бу болалар зўр қаяжон билан елиб-югуришади. Ҳар қанча меҳр кўрсатганда ҳам ўз онасидай бўлармиди. Мана, Дзидра ўз онаси томон қанот пайдо қилгандек «Ойи, ойи, ойижон!»лаб шаҳар кўчаларини бўйлаб елиб-учиб боряпти.

Бу лавҳа кўпгина кинофестивалларда зўр муваффақият қозонган «Сен етим эмассан» бадиий фильмидан. Унда она меҳрига тўймаган боланинг оний қувончлари, жудоликнинг алам ва изтироблари маҳорат билан кўрсатилган. Тан олиш керак— бу эпизод томошабиннинг юрак-юракларини титратиб, кўзларига беихтиёр ёш келтиради. Ана шу эпизоднинг бу қадар таъсирли ва ҳаяжонли чиқиши учун қанча-қанча фикрлар кечмади режиссёр хаёлида, қанча-қанча лавҳалар чизмади у. Бундай эпизодни қаётий воқеалар ва инсон психологиясини чуқур ва аниқ сезган режиссёр — санъаткоргина ярата олади, холос. Урушнинг бутун даҳшат ва мудҳиш манзараларини муболағасиз ифодалаган бу санъаткор «Ўзбекфильм»нинг истеъдодли режиссёри Шуҳрат Аббосовдир. Ана шундай таъсирли ва ҳаяжонли мавзуда ажойиб фильм ярата олган режиссёр Шуҳрат Аббосов киночи эмас, доришунос бўлмоқчи эди аслида. Аммо, санъатга бўлган кучли ҳавас уни Тошкент медицина билим юртидан Тошкент театр ва рассомчилик институтининг актёрлик факультетига олиб келди. Унинг салоҳиятини сезган муаллимлар Шуҳратни режиссёрлик факультетига ўтказишди. Шуҳрат улкан санъаткорларнинг катта меросини ташналик билан ўргана бошлади. 1954 йили режиссёрлик дипломини олгач, шу йилиёқ Янгийўл театрига ишга кетди. Театрнинг бош режиссёри сифатида у янги куч, янги-янги фикрлар билан спектакларга ҳаётбахш руҳ киритди, жило берди. Бирин-кетин «Нурхон», «Юрак сирлари», «Оғриқ тишлар», «Майсаранинг иши» сингари спектакларни қўйди. Шуҳратнинг режиссёрлик маҳорати спектаклдан-спектаклга шаклланиб, ўсиб борди. Аммо...

Театр Шуҳратга торлик қилиб қолди чоғи. У «Мосфильм»дек муаззам даргоҳда оламга танилган кино устолари Михаил Ромм, Сергей Юткевич, Юлий Райзман, Иван Пирьев, Леонид Траубергларнинг таълимини олди, уларнинг ижодий лабораторияларидан бахраманд бўлди. Кинематографиянинг «инкир-чикир»ларини бардош билан ўргана бошлади. Олий курсда ўқиб юрган пайтидаёқ ҳамкурси, ҳозирда «Сергёжа», «Москвани кезаман» фильмлари билан машҳур бўлиб кетган Георгий Данелия билан ҳамкорликда бир қисмли кинокомедия яратишга киришди. Муаллифлар машҳур совет сатирикларидан Ильф ва Петровнинг «Олтин бузоқ» романидан бир бобини экранлаштиришди. Шуниси характерликки, ёш кинорежиссёрлар бу сатирик композиция воситасида фильмда биринчи марта суратга тушган Евгений Евстигневнинг кино санъати бобидаги истеъдод булоғини очиб юборишди. Е. Евстигнев машҳур киноартист бўлиб кетди ҳозир.

Шуҳрат Аббосов курсни битирадиган йили диплом иши сифатида «Филиппинлик ва маст» деган бир қисмли фильм ишлади. Аббосов диплом ишига ўзининг бор маҳоратини, куч-ғайратини сарф этиб америкалик ёзувчи Вильям Сарозининг шу номли новелласида баён этилган катта бир ғояни ўн минутлик фильмда жуда таъсирли, аниқ қилиб ифодалай олди. Режиссёр филиппинлик бир кишининг онгида «ўзингни хор тутма» деган эътиқодининг пишиб етилиш жараёнини, америкалик мустабиднинг йигитга кўрсатган жабр-зулмини моҳирона акс эттира олди. Филиппинлик йигитнинг қалбида аста-секин аланга олаётган исён туйғусининг бирдэн портлаш жараёни режиссёр талқинида ишонарли чиққан.

Шуҳратнинг биринчи мустақил ишидаёқ ўзига хос услуби, ўз овози яққол намоён бўлди. Шуҳрат олий курсни муваффақият билан битирди. «Ўзбекфильм»да янги, яна бир истеъдодли режиссёр пайдо бўлди. Унга бирданига катта иш — «Маҳалладa дув-дув ган» номли кинокомедия яратишни топширишди. Замонавий темадаги бу сценарийни қўлга олган Шуҳрат Аббосов асар руҳидан келиб чиқиб Тошкентнинг гўзал жамолини экранда шоирона акс эттиришга жазм қилди. У улкан, гўзал биноларорасида қисилиб қолган, секин-аста бузилиб, йўқ бўлиб бораётган бир маҳалладa яшовчиларнинг эскилик одатларини, қолоқ фикрларини, замон мазмунига мос келмай қолган қилмишларини акс эттираркан, қувноқ, ёрқин табассум билан зеболанган аломат лавҳалар ярата олди. Режиссёр машҳур актриса Лутфихоним Саримсоқованинг талантидан шу қадар моҳирона фойдаландики, она кулганда залда қувноқ кулги янграйди, йиғлаганда томошабин кўзига ёш келади.

Режиссёр ва актрисанинг ижодий маҳорати «Сен етим эмассан» фильмида янада яққолроқ сезилди. Энди Лутфихоним Саримсоқова 14 боланинг мураббийси, жафокаш она, урушнинг оғир кунларида инсонпарварлик каби энг гўзал фазилатини рўй-рост намойиш қилган оддий бир ўзбек аёлининг ёрқин образини ярата олди.

Шуҳрат Аббосов ҳар бир артистдан самимийликни, айтилаётган сўз, қилинаётган ҳаракат, ҳатто қош-қовоқнинг имосидан тортиб, анчайин қўл ҳаракатигача табиийликни талаб қилади. Шу сабабли унинг фильмларидаги образ кўпинча ҳаққоний, таъсирли ва кучли чиқади.

Бу ҳодиса унинг янги фильмида янада яққолроқ, янада чуқурроқ кўринди. Бу safar Шуҳрат Аббосов ёзувчи Иброҳим Раҳим билан ҳамкорлик қилди, айни чоқда ўзининг режиссёрлик истеъдоди камолатининг янги босқичига чиқаётганлигини намойиш этди. «Қуёш қалбингда» фильмида яна ўша ўзининг бош темаси — уруш ва инсон мавзуини акс эттиради. Ш. Аббосов бу фильмда бир қатор саҳналарни ниҳоятда қиёмига етказиб, ҳозирги замон кино санъати савияси юксакликларида туриб ҳал қилади.

Фильмдаги жанг лавҳаларида урушнинг бутун даҳшати, совет кишиси иродасининг пўлатдек мустаҳкамлиги яққол акс этган. Ўзбек жангчисининг кўзларидан аччараган ҳолда ёнаётган танкни ташлаб, бутун иродасини тўплаб ўлим аждарлари ҳайқирган жангоҳдан олга интилиб бориши қалбларга ларза солади.

Энг муҳими сценарийда ифодаланган умуминсоний ғоя—уруш ва авлодлар тақдири темаси конкрет шахслар тимсолида бўрттириб кўрсатилганлигини айтиш зарур.

Шуҳрат Аббосов билан ишлаган артистми, операторми, рассоммми, кимдан сўрасангиз — ҳамма у билан ишлашдан ижодий лаззат оламиз дейишади. Бунда ҳам унинг бой билими, ҳаётни кузатувчанлиги ва инсоний фазилатлари яққол сезилади.

У «Ўзбекфильм»да энди учта қадам ташлади. Бу қадамларнинг янада собит, янада бақувват, янада дадил бўлишини истардик.

Маҳмуд ЯҲЁЕВ,
киношунос.

Хўжаобод район кутубхонаси меҳнаткашларнинг энг севимли жойи ҳисобланади. Ишчан мудира Сабохон Холмирзаева китобхонларга қулай бўлсин учун адабиётларни тартиби билан териб қўйган, уларнинг талаб ва истакларини доимо ҳисобга олиб боради. Суратда: С. Холмирзаева янги олинган адабиётларни кўздан кечираяпти.

А. Тўраев фотоси.

ЖОНКУЯР КИШИЛАР

ОЧЕРК

«Большевик» колхози Бағдод районидагина эмас, балки бутун Фарғона облестида намунали хўжаликлардан бири ҳисобланади. Хўжалик чиндан ҳам ҳар жиҳатдан олдинда, ҳар жиҳатдан ибратли.

— Коммунизм бизнинг колхоздан бошланади!—дейди қайси бир колхозчи билан гаплашманг. Бунга улар қаттиқ ишонишади. Шу ишонч уларга куч-қувват, юксак парвозлар учун қанот берибди. Турмушлари фаровон, тўкин, маданиятли, газета-журналга ёзилмаган хонадон йўқ бу колхозда. Колхоз кутубхонасидаги китоб фонди ўқиш учун нақ бир областга етади. Колхозда мингга яқин ўрта маълумотли йигит-қиз жавлон уряпти. 150 дан ортиқ олий маълумотли азамат ишлайди бу ерда. Қишлоқ оралаб ўтиб қолсангиз чиройли ва ихчам тушган иморатларни кўриб қалбингиз ҳаяжонга тушади. Кўчалар аксинг кўрингудек силлиқ асфальтланган водопровод тушириламаган бирон участка қолмаган. Энг чекка, олис Дўрмон қишлоғига ҳам шу кеча-кундузда водопровод учун башня қуриляпти. Колхознинг ўз қурилиш бригадаси, ўз монтажчилари, ўз аптекаси, ўз туғруқхонаси, 150 ўринли замонавий услубда қурилган хашаматли касалхонаси бор. Бу ердаги 800 ўринли катта клубда роҳат қилиб концерт тинглагани, кино кўргани қўшни колхозлардан меҳмонлар келиб туради. Колхоз ҳаммоми, колхоз чойхонасининг таърифи бутун районга достон. Буларнинг ҳаммаси янги типда замонавий проект асосида қурилган. Янги тушган, тушаётган мактаб бинолари ҳам, участкалардаги магазин, медпункт, ёзги кинотеатрлар ҳамма-ҳаммасини кўрсангиз соддалиги, қулай ва гўзаллиги ақлингизни шошириб қўяди, қалбингизга ҳаяжон солади.

Ҳа, большевикликлар ўз қишлоқларининг чиройига чирой қўшиб, уни олтин қишлоққа айлантирибдилар. Ана шу азаматларнинг ўзлари билан учрашиш, суҳбатлашиш иштиёқида далага жўнаймиз.

Куз охирлаб қолган эди. Дарахтлар барг ташлаб, йўлларга поёндоз ёзган, офтоб гўё ёз бўйи ишлаб чарчагандек, эринибгина нур сочади. Ҳаво илиқ, бегубор. Пайкаллардан ўтиб борамиз. Ғўзапоялар уватларга ғарам қилинибди. Азамат тракторлар ер бағрини тилиб шудгор қиляпти. Дала шийпонлари ёнида қўраклар уюми, хирмонларга, асфальт йўлларга сўнгги олтинлар ёйиб ташланган. Каттаю кичик шошган, ошиққан. Гўё бу азаматлар ёз бўйи ишлаб чарчамагандек, ғайрат-шижоат яна булоқдек жўш уряпти. Мамазиё ака Қодиров бошқарадиган бригадани мўлжаллаб борямиз. Йўл-йўлакай раис унинг тўғрисида сўзлаб боради. 82 гектар ерга пахта экаркан у. Ерлари шудгорлашга тайёр, ёш болалар, кексалар ғўзапоя йиғиштиришади. Йўл чеккаларига, пайкаллар бошига маҳаллий ўғитлар ўйиб ташланган. Мамазиё аканинг ўзини тракторчи йигит Раҳмонберди билан нима тўғрисидадир баҳслашаётганда учратдик:

— Енилгини тежашни ўйлагинда, ука,— дерди бригадир бўғилиб. Сўзлаганда доим кулиб, чеккасини қашлаб турадиган бу йигит колхознинг донг чиқарган миришкорларидан. Колхоз бухгалтериясида узоқ йиллар ҳисобчи бўлиб ишлаган, шу сабабли ҳар бир нарсадан тежаб-тергашга интилади у.

— Гектаридан неча центнердан топширдингиз?— сўраймиз Мамазиё акадан.

— 45 центнерга бориб қолди.

— Шартномангиз қанчадан эди?

— 31 центнердан эди.

— Демак, мўлжалдаги ҳосилни олибсизлар-да.

Мамазиё ака дарров жавоб бера қолмайди. Қулиб бош чайқайди.

— Назаримда, 50 центнерга олиб борсак бўларди, дейди у ўйчанлик билан. Мамазиё ака билан узоқ суҳбатлашамиз. Ўз ерларининг оби-тобини яхши ўрганиб олган у. Қайси пайкалга қачон чигит ташлаш зарур, ўғитлашни қай муддатларда ўтказиш керак, неча марта сув бериш зарур. Мана шуларни у узоқ йиллар давомида яхши кузатган, дафтарига қайд қилиб борган. Мана энди ерни, унинг шароитини жиловлаб ўз измига солиб олибди.

— Пахтанинг таннархи қалай бўлди?—сўраймиз бригадирдан.

— Арзон пахта етиштириш ҳам ўзимизга боғлиқ, — тушунтирди бригадир.— пахтанинг таннархи арзон бўлмаса, деҳқонга ҳам, колхозга ҳам нафи кам бўлади. Ўтган йили бир центнер пахта етиштириш учун 14 сўм 30 тийиндан сарфлаган эканмиз. Бу йил 10 сўмга тушурамиз деб турибмиз. Биринчидан, ҳосилимиз мўл бўлди. Иккинчидан, меҳнатни имкони борича тежадик. Ўтган йили ғўзани тўрт марта ўғитлодик. Бу йил икки марта ўғитладик, холос. Бу йил пахта терими палласида терим машиналарини ишга солиб, кўл меҳнатини ҳам анча тежадик.

Ҳосилдорликни йил сайин ошириб бригаданинг шуҳратига шуҳрат қўшаётган азаматлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг билимига, пахтакорлик илмини эгаллаб олганликларига қойил қоласиз. Ҳаммалари ўқимишли, энг ками ўрта маълумот эгаси. Бригада аъзоларининг бир хиллари шу кеча-кундузда институтларда сиртдан ўқиб туришибди. Шунинг учун ҳам бу ерда арзон пахта етиштириляпти, даромад ҳам мўл. Аъзоларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 130 сўмдан ортиқ. Мамазиё аканинг ўзи эса бу йил 2600 сўм даромад олибди.

Ҳосилдорликни мана шундай ошириб, она юрт бойлигига бойлик қўшишда Мамазиё ака билан мусобақалашаётган бригада бошлиқлари кўп бу колхозда.

Катта боғбон Исмоил бобонинг таърифини авваллари ҳам кўп эшитгандик. Колхознинг бош дурадгори Холдор ака чиройли иморатлар қуриб ҳамқишлоқларини хушнуд этаётган бўлса, Исмоил бобо уларнинг дастурхони тўкин бўлсин учун енг шимариб меҳнат қилмоқда. Оппоқ соқоли кўксига тушиб турган, қомати самбитдек тик, ёшлардай сергайрат отахонни ўзи яратган боғ ичида, анорларни бутаётган бир пайтда учратдик.

— Баҳорга тайёргарликни бошлаб юборибсиз-да, отахон?

— Йўқ. Ғалиҳ касалланган навдаларни кесиб ташлаяпман.— тушунтирди Исмоил бобо.— Буни ҳозир кесиб, куйдириб ташламасангиз, баҳорга бориб кеч бўлади.

Исмоил бобо 45 йилдан буён боғбонлик қилади, мева ўстиради. Ўзбекистонда неча хил мева ўстириш мумкин бўлса, ҳаммасидан ўстирган, мўл-кўл ҳосил олиб ҳамқишлоқларига ҳадя қилган. Тошлоқ ерда, сувсизликка чидайдиган узум хилини яратибди, есангиз ширасн тилни ёрай дейди. Тарвуз билан помидорни чатиштириб ҳар биттаси тарвуздек келадиган помидор етиштирибди. Бодом билан тоғ пистасини бирбирига чанглатиб, шундай бир мева етиштирганки, таърифини адо қилиб бўлмайди.

Исмоил бобо бутун колхозни мевали дарахтларга кўмиб ташлашга аҳд қилган. Ҳозирнинг ўзидаёқ тоғ этакларидаги дашт ерларда 100 гектарга яқин боғ яратган. бу ерлардан йилига 40 минг сўмга яқин даромад олиняпти. Исмоил бобонинг ўғли Аҳмаджон, қизи, куёви Хайруллажонлар ҳам ота изидан боришга аҳд қилиб тоғ этакларидаги ана шу қақроқ даштларни мевазорга айлантиришга енг шимаришибди.

— Ҳаммаёқ тош-ку, ниҳол қандай кўкаради бу ерларда?—сўраймиз Исмоил бободан.

—Тепаси тош-у, таги тупроқ.— Тушунтирди отахон,— лекин осон бўлмайди, албатта. Бир-икки йил хўп овора қилади. Энди, андак тажриба ҳам орттириб олдик. Қўрқадиган жойимиз қолмади. Икки-уч йилдан кейин келсангиз бу атрофда даштдан асар қолмайди. Ҳаммаёқни кўкаламзор қилиб ташлаймиз. Нима дедингиз, куёв бола?

— Сиз шундай деб турганингизда, биз чекинсак уят бўлади, дада. — Алланечук қизариб деди Хайруллажон.

Колхоз раиси Эркинжон ака Усмонхўжаев билан кун бўйи сиргамиз. У, негадир, суҳбатларга кам аралашади, кўпроқ ўйчан юради. Гоҳо дафтарчасига нимани-дир қайд қилиб: «яхши гап бўлди, а!» деб қўяди завқланиб.

— Эркинжон ака, колхознинг янги режалари ҳақида ҳам гапириб берсангиз?— деб сўрадик даладан қайтаётганимизда.

— Режаларни одамлар айтяпти-ку,— кулиб деди раис.

— Одамлар ўз режалари ҳақида гапиришяпти.

— Гапирсам, ўшаларнинг гапини такрорлаган бўламан. Мендан кўра уларнинг ўзлари гапирганн маъқул. Колхознинг режалари ҳам, планлари ҳам аввало ўшаларнинг қалбида туғилади. Кейин қоғозга тушиб планга айланади. Уни қиламиз, буни қиламиз деб сафсата сотаверишдан ҳеч фойда йўқ. Яхшиси, одамларнинг юрагига қулоқ солиш керак. Кўпроқ ўшаларнинг ўзларини гапиртириш зарур. Назаримда, кўпикча бир шуиндай қилолмаймиз...

Эркинжон ака 18 ёшида шу колхозга раис бўлган эди. Мана 20 йилдирки, у хўжаликни моҳирлик билан бошқариб келади. 20 йилдирки, хўжалик тинмай ўсиб боради. Ўша пайтларда колхознинг 120 гектар пахта майдони бор эди. Бу йил эса 2220 гектар ерда оқ олтин ундирилди. Салкам 3 миллион сўм даромад олди. 10-12 центнердан ҳосил олаётган қолоқ колхозлар «Большевик» колхозига қўшилиб 30-35 центнердан ҳосил кўтара бошлашди. Колхознинг шуҳрати йил сайин ошиб боряпти. Ёш раиснинг кўксини қўша-қўша орденлар безаб турибди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган унга. Аммо, назарида ҳеч қанча иш қилмагандек, колхозчилар олдида жуда катта қарздордек ҳис қилади ўзини. Шунинг учун ҳам доим ўйчан, серташвиш. Колхоз яна ҳам бадавлат, колхозчилар яна ҳам фаровон яшасин деб қайгуради у.

Ҳа, бу ерда каттадир, кичиндир колхозни яна ҳам фаровон қилиш, она юрт хазинасига яна ҳам кўпроқ бойлик қўшиш иштиёқида яшаяпти. Эл дастурхони яна ҳам тўкин бўлсин деб меҳнат қиляпти.

Ҳ. ТУХТАБОЕВ.

СССР ПРОКУРАТУРАСИДА

СССР прокуратураси 1965 йил июль ойида Волга дарёсининг Волгоград яқинидаги қисмида балиқлар ёппасига ҳалокатга учратилганлиги тўғрисидаги иш юзасидан олиб борилган терговни тамомлади.

Волгограддаги Киров номли химия заводи томонидан тўкилган ифлос сувлар билан зaҳарланиш натижасида балиқларнинг ҳалок бўлганлиги аниқланди. Бу заводда саноатдан оқиб чиқадиган сувларни тозалаш қоидалари қўпол равишда бузиб келинган.

Завод ходимларининг айби билан кўп миқдордаги балиқ, шу жумладан энг қимматли осетр насилли балиқлар ҳалок қилиниб, бу билан халқ хўжалигига катта зарар етказилган.

Заводнинг собиқ директори П. В. Вершинин, бош инженер Б. Я. Либман, бош инженер ўринбосари С. Ф. Писарев, цех бошлиқлари А. Ф. Крутов ва В. Д. Подшипков, завод тозалаш иншоотларининг бошлиғи Т. Д. Лисичкин жиноий жавобгарликка тортилдилар. Уларнинг ҳаммасига хизмат вазифаларини бажаришга жинояткорона совуқонлик билан қараган, бу эса сув ҳавзасининг тозаланмаган оқар сувлар билан ифлосланишига сабаб бўлган деган айб, қўйилди.

Иш кўриш учун РСФСР Олий судига топширилди.

Тергов натижалари юзасидан бир қанча мансабдор шахсларни, шу жумладан ана шу завод директори В. М. Зимин билан илгариги Қуйи Волга халқ хўжалиги кенгаши химия ва нефтни қайта ишлаш саноати бошқармасининг бошлиғи П. А. Шубниковларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар киритилди.

КУЧЛИЛАР ва ЭПЧИЛЛАР МАКТАБИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ 10 ЁШДА

Республикамизда энг ёш ва навқирон олий ўқув юртларидан бири Ўзбекистон Давлат физкультура институти ташкил топганига ўн йил бўлди. Бундан ўн йил муқаддам, яъни 1955 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкентда Ўзбекистон Давлат физкультура институтини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Институтимиз коллективи олдига жуда катта ва масъулиятли вазифа қўйилди. Минглаб мактабларга, ўрта махсус ва профессионал техника билим юртларига, район, шаҳар, область спорт жамиятлари ва ташкилотларига малакали мутахассислар етказиб беришимиз керак. Табиийки, дастлабки йилларда анча қийинчиликларга дуч келдик. Дастлабки вақтларда институтда 4 кафедра бор эди. Уларда 17 ходим ишларди. Энди эса аҳвол тамоман бошқача. 2 мингга яқин талабаларимиз малакали мутахассислар қўлида таълим оляпти. Кафедралар сони ҳам ошди. Институтда КПСС тарихи, илмий коммунизм асослари, педагогика ва психология, анатомия, физиология, спорт медицинаси, гигиена ва химия, спорт кураши, сузиш, спорт ўйинлари, бокс, оғир атлетика, велоспорт, енгил атлетика жами 17 та кафедра бор. Ўқитувчилар коллективи соғ 145 кишига етди. Институтимизда 3 профессор, 20 фан кандидати ишлаяпти.

М. Петрова, З. Турсунов, А. Ярошкий, К. Бакунина, Л. Лебедянская, А. Рихсиева, М. Умаров, Х. Султонова, З. Тўхтамуродова ва шу сингари ўқитувчиларимиз билан фахрланамиз. Булар ёшларни тарбиялашда бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлмоқдалар.

Ўтган ўн йил давомида институт кучоғидан 14 мингга яқин йигит-қиз билим олиб, ҳаётга йўлланма олди. Уларнинг жуда кўпчилиги бепоён республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида меҳнат қилишяпти. Институтимизда таълим олган бир неча собиқ студентларимиз қардош республикаларда ҳам ишлашяпти.

Институтимизда камол топган Шавкат Усмонов «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти, В. Чернявский «Спартак» кўнгилли спорт жамияти, Н. Бойжонов «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти, Н. Дмитриев ва Н. Соколенкоглар «Локомотив» йўл жамиятида раислик лавозимларида ишлашяпти.

Институтимизда «Жисмоний тарбия назарияси ва практикаси» номли журнал чиқарилади. Бу журналда энг яхши илмий ишлар ёритиб борилади.

Институтимизнинг мавқеи Иттифоқ миқёсида ҳам ошиб боряпти. Илмий текшириш ишларида эришган ютуқларимиз туфайли коллективимиз зиммасига янги-янги вазифалар юклатиляпти. СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари соғ юзи Марказий Совети президиуми қарорига кўра институтимиз зиммасига бўлажак олимпиада ўйинларида қатнашадиган сувга сакровчи СССР терма командасига раҳбарлик қилиш юклатилган.

Институтимиз коллективининг спорт соҳасидаги ютуқлари бенихоядир. Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилаётган терма командаларнинг деярли ҳаммасида бизнинг вакилларимиз бор. Олий ўқув юртини юздан ортиқ студент кўкрагига «СССР спорт мастери» значогини тақиқан ҳолда битириб чиқди. Ўқишга кирганда ҳеч қандай разрядга эга бўлмаган қишлоқ ёшлари ҳам институтни биринчи разряд нормативини бажарган ҳолда тамомлашди. Ўн йил давомида жами бўлиб 119 СССР спорт мастери, 406 биринчи разрядли ва 826 иккинчи разрядли спортчилар тайёрладик. Бир ярим мингга яқин киши турли спорт турлари бўйича малакали судьялар бўлиб етишди.

Ҳар йили спартакиада ўтказиб турамиз. Бунга барча студентлар жалб этилади. Бу йилдан бошлаб эса спартакиадани СССР ўйинлари мусобақасига айлантирдик.

«Буревестник» кўнгилли студентлар жамияти терма командасининг ўзаги асосан студентларимиздан ташкил топган. 1956 йили ўтказилган СССР халқлари биринчи спартакиадасида республикамиз спорт шарафини 22 вакилимиз ҳимоя қилган бўлса, 1963 йилда ўтказилган учинчи спартакиадада 53 студентимиз қатнашди.

Коллективимиз ажойиб спортчилар Р. Павлова, Ю. Поминов, С. Шарипов, Е. Колтунов, Р. Машарипов, А. Истомин, А. Цой, А. Перевертайло, К. Эргашев, С. Пирназаров, Ш. Хонкелдиев, С. Арзуманова, О. Левоненколар билан ҳақли равишда фахрлана олади. Хизмат кўрсатган спорт мастерлари Р. Салимова, С. Бабанина, С. Диамидоварни спорт чўққисини эгаллаш ва мутахассисларининг ҳам хизматлари бор. Республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилаётган «Пахтакор» командасининг бир қатор ўйинчилари ҳам бизнинг талабамиз бўлади. В. Виткалов, С. Семёнов, В. Сукнов, В. Тожиров, М. Шарипов, Х. Раҳматуллаев, Э. Абдураимов, Г. Красницкий ва Юрий Пшеничниковлар институтимизни аъло баҳоларда битириб чиқишган.

Институт ўзининг шонли 10 йиллигини нишонлаётган кунда профессор, ўқитувчилар составининг ИХ илмий конференцияси ўтказиляпти. Коллективимиз бундан кейин ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг жисмоний тарбияни ривожлантириш, кўплаб малакали физкультура кадрлари тайёрлаш, республика спорти мавқеини кўтариш, СССР Халқлари IV спартакиадасида муносиб ўринлардан бирини эгаллаш ҳақидаги қарорларини амалга ошириш борасида куч-қувватини аямайди, коммунистик жамият кишисини тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Р. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон давлат физкультура институтининг ректори.

СУРАТДА: физкультура институтининг студенти, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Светлана Бабанина бир группа енгил атлетикачиларга чет эл таассуротларини сўзлаб бермоқда.

И. Зайниддинов фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Редакция кеча ишчи-деҳқон мухбирлари, пост аъзоларидан 70 хат олди. Хатлар бўлимларга чиқарилди. 3 шикоят жойларга текширишга юборилди.

ЕР ОСТИ СУВИ — ҲАЗИНА

СССР Геология министрлигининг Тошкентдаги «Гидрогео» институтида СССР ариқ зоналарида гидрогеология ва инженерлик геологияси тадқиқотларини координациялаш бўйича Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Унда Москва, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон, Украина, Грузия, Новосибирск ва бошқа шаҳарлардан келган олимлар қатнашмоқда. Гидрогеология ва инженерлик геологияси фанлари бўйича илмий тадқиқот ишларини координациялашнинг натижалари ва навбатдаги вазифалари ҳақида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Мавлонов доклад қилди.

Кенгашда янги ўзлаштирилган ва ўзлаштириладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, қурғоқ зоналарда ерости сувларидан фойдаланиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Ғ. РАШИДОВ.

«САВАЙ» МАКТАБИ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Областдаги машҳур «Савай» совхозида хўжаликлар учун раҳбар кадрлар тайёрлайдиган республика бир йиллик мактаби очилганига икки йил бўлди. Бу давр ичида мактабни 25 киши муваффақиятли тамомлаб чиқди.

Яқинда мактаб республикамизнинг турли область ва районларидан келган бир группа қишлоқ хўжалик мутахассисларини қабул қилди. Сурхондарёлик К. Акимов, Навоий районидаги «Нарпай» совхозидан Т. Эргашев, Сирдарё районидан келган Қ. Сингаров ўртоқлар кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ

Гулистон шаҳрида ишчи-деҳқон мухбирларининг икки йиллик университети очилди. Университетда 70 дан ортиқ йигит-қиз ўқимоқда.

У. РАСУЛОВ.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Ҳазорасп район чорвадорлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланиб, давлатга 3200 тоннадан зиёд сут сотдилар. Бу ғалабани қўлга киритишга «Октябрь», Фрунзе номли, Нариманов номли, «Тошкент» колхозлари чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.

Р. ЖУМАНАЗАРОВ.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Мирзаев бошчилигидаги Ўзбекистон ССР Давлат эстрадаси артистларидан бир группаси Қашқадарё области районларида концерт бермоқдалар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Мадраҳимов, Э. Мирмаҳмудова, артистлардан К. Отабоев, Ж. Раҳимовлар ижро этган ашулалар томошабинларга манзур бўлмоқда.

Б. ЖАББОРОВ.

Хатларни ўқиб...

ИНТИЗОРМИЗ

Бизнинг ҳўчада қачон автобус юради?! — Косонлик йўловчилардан ана шу саволни эшитиш мумкин. Бунга ажабланманг. Косон — Майманоқ йўли қурилиб, фойдаланишга топширилганига анча вақт бўлди. Бу йўлдан барча машиналар қатнаб турибди. Лекин, автобус қатнамаяпти. Натижада йўловчилар сарсон-саргардон бўлмоқдалар. Бу ҳақда район раҳбарларига бир неча марта мурожаат қилинди. Аммо, улардан ҳалигача на ҳа, на йўқ деган жавоб олдик.

Йўловчилар номидан:
А. НУРАЛИЕВ,
Т. ЭРГАШЕВ,
П. УРИНОВ.

* * *

Пайариқлик З. Нурматов, гурланлик К. Возорбоев, Тошкент областидан А. Исмаилов, хўжаободлик Р. Қодиров, пастдарғомлик Э. Турсунов, Тошкент шаҳридан А. Мирпўлатов, сирдарёлик А. Абдураззоқов, Киров районидан Т. Тўхтаматов, И. Муллабоев, гиждувонлик А. Зайниев, Т. Мақсудов, Урганч шаҳридан Р. Шарипов, самарқандлик М. Жабборова, Ўзбекистон районидан С. Холматов, тошкентлик З. Кўчқоров, оққўрғонлик Т. Мирқурбонов, ҳазорасплик О. Матёқубовлар йўллаган хат-хабарларда ишимиздаги ютуқлар мадҳ этилиб, камчиликлар танқид қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИДА

ЎҚУВЧИЛАР КУНИ

Ёшлар ва ўқувчилар бизнинг умидимиз, келажагимиздир. Партия ва ҳукуматимиз, кенг жамоатчилик ана шу ёшларни замонамизнинг асл фарзандлари, келажагимизнинг муносиб эгалари бўлиб етишишлари учун катта ғамхўрлик қилмоқда. Мактаб ўқувчилари учун ёруғ ва кенг мактаблар, уй ва саройлар, лагерлар, кинотеатрларнинг эшиклари очиқ. Бу ерларда пионер ва ўқувчилар қувнаб илм оладилар, ҳунар ўрганадилар, мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.

Кейинги пайтларда ёшлар тарбиясига янада эътибор берилмоқда. Уларнинг ҳар томонлама етук — маданиятли илм-одобли, юксак ахлоқли кишилар бўлиб етишишлари учун кўпгина ишлар қилинди. Ёшларнинг эстетик тарбиясини янада яхшилаш, уларни санъат ва маданият янгиликлари билан таништира бориш, шу асосда тарбиялаш борасида бирмунча муҳим тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат ишлари бош бошқармаси бу соҳада яна бир ташаббус кўрсатди. 19 декабрь якшанба кунини «Ўқувчилар куни» деб атаб, шу куни республикамизнинг барча маданият ва санъат муассасалари мактаб ўқувчилари ихтиёрига бериб қўйилади. Шу куни Тошкент театрларининг ҳамда барча область театрларининг эшиклари улар учун очиқ бўлади.

Шу куни А. Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театрида В. Хаэтнинг «Этик кийган Мушук», Пуччинининг «Флория Тоска» опералари, Горький номидаги рус драма театрида М. Шолохов асари асосида ишланган «Полк олга боради», Э. Радзинскийнинг «Яна муҳаббат ҳақида» драмалари, Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрида С. Богомазов ва С. Шатровнинг «Довюрак Том», С. Михалковнинг «Сомбреро» пьесалари, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрида Х. Воҳиднинг «Биринчи муҳаббат», М. Каорунинг «Ўғирланган умр» драмалари, Муқимий номидаги музикали-драма ва комедия театрида Ҳамид Ғуломнинг «Ўғил уйлантириш», Соҳиб Жамолнинг «Гули сиёҳ» асарлари, республика қўғирчоқ театрида И. Мольпарнинг «Сеҳрли от» асарлари намойиш қилинади.

Республика область театрлари ҳам шу куни ўзларининг энг яхши спектакларини мактаб ўқувчиларига кўрсатадилар. Самарқанд область опера ва балет театрида «Лайли ва Мажнун» балети ва «Зайнаб ва Омон» операси, Самарқанд ўзбек драма театрида «Садоқат», «Она ҳукми» спектакллари, Самарқанд рус драма театрида «Золушка» спектакли, Фарғона область музикали драма ва комедия театрида «Чандунинг саргузаштлари», «Фарзанд» асарлари, Андижон область театрида «Жон қизлар» комедияси, Бухоро область музикали драма ва комедия театрида «Қотил» драмаси, шунингдек Термиз, Наманган, Қўқон театрларида ҳам қатор томошалар намойиш қилинади. Бу спектакларда республикамизнинг кўзга кўринган санъаткорлари қатнашадилар. «Ўқувчилар куни» томошаларига марҳамат қилинг, азиз ёшлар!



Турли мамлакатларда

АМЕРИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ВЬЕТНАМДАГИ УРУШГА ҚАРШИ

ВАШИНГТОН, 16 декабрь. (ТАСС). Ҳукуматнинг Шарқий-Жанубий Осиёдаги сиёсатига қарши, Америка ҳарбийларининг Жанубий Вьетнам ишларига сурбетлик билан аралашаётганлигига қарши Қўшма Штатларда жамоатчилининг норозилиги кучайиб бормоқда.

Мамлакатнинг ҳамма томонидан пойтахтга келган юздан кўпроқ американлик оналар кеча Оқ уйга келиб, президентдан Вьетнамдаги урушни тўхтатишни талаб қилувчи мактуб топширдилар. Президентга топширилган бу мактуб «Хотин-қизлар, тинчлик учун курашингиз» деган ташкилот томонидан тарқатилган, мамлакатнинг ҳамма томонида армияга чақирилувчиларнинг оналари ва хотинлари имзо чеккан мингминглаб карточкалардан иборат. Шу карточкаларга: «Жаноб президент! Ўғилларимиз ҳақи, ҳамма болаларимиз ҳақи — Вьетнамда биз учун тинчлик ўрнатинг...» деган сўзлар ёзилган.

ВАТАН ХОИНИ — ЎЛИМ ЖАЗОСИГА

КРАСНОДОН, (Луганск области), 16 декабрь. (ТАСС мухбири). Ватан хоини, собиқ гитлерчилар полицаи Иван Мельников устидан ўтказилаётган очиқ суд Краснодон шаҳрининг Маданият саройида уч кун давом қилди. Бу ишни Луганск область судининг жиноий ишлари судлов коллегияси юборган сайёр сессия (область судининг раиси А. П. Шпилевой) кўрди. Область прокурори И. В. Кошевой судда давлат қораловчиси бўлиб қатнашди. Биринчи «Таловская» шахтасидаги Олег Кошевой номидаги коммунистик меҳнат бригадаси номидан Ф. Я. Ловко, «Иккинчи Суходольская», «Тюленин» номидаги шахталар коллективи ва «Ёш гвардия» номидаги шахта бошқармаси коллективи номидан моторист Д. С. Емец ҳамда Горький номидаги биринчи мактаб коллективи номидан ўқитувчи Н. В. Григоренко судда жамоат қораловчилари бўлиб иштирок қилдилар.

Фашистлар Краснодонни вақтинча оккупация қилиб турган биринчи кунлардаёқ И. Мельников Ватанга хиёнат қилиб полицай бўлиб олди. У, совет ва партия ходимларини, яширин иш олиб бораётган «Ёш гвардия» комсомол ташкилотининг аъзоларини қамоққа олишда қатнашди, краснодонлик қаҳрамонларни қатл этишда иштирок қилди, ўзи қамоққа олаётган кишиларни сира аямай калтаклади, уларнинг мол-мулкларини талади.

1943 йилнинг бошида Совет Армияси яқинлашиб келаётган пайтда хоин шаҳардан қочиб кетиб, бошқа районларда полицай бўлиб ва гитлерчилар армиясида хизмат қилди, сўнгра йигирма йил яшириниб юрди.

Лекин жиноятчи қасос чангалидан қочиб қутулолмади. Мана шу уч кун давомида Краснодон яшириш иш олиб борган комсомолларнинг фожиона ҳалок бўлганлиги тарихининг саҳифаларини яна ўқиб чиқди. Жабр-дийда ва гувоҳлардан 30 га яқин киши судда гувоҳлик берди. Булар орасида ёш гвардиячиларнинг оталари А. В. Тюленина, Е. Н. Кошевая, Л. Д. Левашева, Ё. А. Осьмухина ва бошқалар бор эди.

Судланувчи рад қилиб бўлмайдиган далилларнинг тазйиқи остида ўзининг Украина ССР жиноят кодексининг 56-модда биринчи қисмида кўзда тутилган жиноятларни қилганлиги учун айбдор эканлигига иқрор бўлди. Суд И. И. Мельниковни олий жазога — отишга ҳукм қилди. Залда ҳозир бўлганлар суд ҳукмини якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

НИИГАТАДА МИТИНГ

ТОКИО. Япониянинг Ниигата шаҳрида «Якутия» совет кемасини тантанали кутиб олдилар. Бу кемада корейс миллатидан бўлган репатриантлардан шу йилги охирги группаси Корея Халқ Демократик Республикасига жўнаб кетади.

Ниигатада митинг бўлиб, унда Япония Социалистик партиясининг ранси Сасаки ва бошқа нотиқлар сўзга чиқдилар. Улар япон ва корейс халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва яқинда парламентда тасдиқланган Япония—Жанубий Корея шартномасига қарши курашиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН. Жанубий Суматра ҳарбий округининг қўмондони Индонезиянинг ана шу районида «Партиндо» партияси ва у билан боғлиқ бўлган ташкилотлар фаолиятини тақиқлади. Рейтер агентлиги мухбирининг Жакартадан берган хабарига кўра, ана шу партиянинг баъзи аъзолари «30 сентябрь ҳаракати»да қатнашганликда айбланадилар.

МОБУТУ ТОЗАЛАШ ЎТКАЗМОҚДА

БРАЗЗАВИЛЬ. Конго (Леопольдвиль) президенти Мобуту информация ишлари бўйича олий комиссар Жан-Жак Кандега миллий радио ходимлари орасида тозалаш ўтказишга буйруқ берди.

Леопольдвиль радиосининг хабар беришича, Конго матбуот агентлигининг деярли барча ходимлари ишдан бўшатилди. Конго матбуот уюшмасининг раиси Жозеф Мбунгу лавозимидан олиб ташланди. «Конго матбуот уюшмасининг ҳозирги раҳбарлари тартиб ва интизом ўрнатишга қодир эмасликлари» сабабли шундай тадбир амалга оширилди, деб хабар беради Леопольдвиль радиоси.

БУРЖУА ЮСТИЦИЯСИ КАПИТАЛ ХИЗМАТИДА

Буржуазия судлов ишлари монополистик буржуазия ҳукмронлигини, капиталистик ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилади. Марксизм классиклари буржуазия давлатининг формалари хилма-хил бўлса ҳам, моҳияти бир: ҳамма давлатлар буржуазия диктатураси эканлигини ишонарли қилиб кўрсатиб берганлар.

Буржуазия давлатида капитал ҳукмрон бўлганлиги сабабли эзилган синфларнинг вакиллари ҳеч қачон расмият учун эълон қилинган ҳуқуқларга ҳам эга бўлмаганлар ва буржуазия жамиятида бундай ҳуқуққа эриша олмайдилар. Капитализмда чинакам тенглик бўлмаганидек, чинакам демократия ҳам бўлмайди. «Агар давлатни идора қилишда ҳақиқатан ҳам ХАММА иштирок қиладиган бўлса, бунда капитализм сақланиб қололмайди» (В. И. Ленин, асарлар, 25 том, 521-бет). В. И. Ленин қуйидагиларни ёзган эди: меҳнаткашлар оммаси «қонунга мувофиқ тенг ҳуқуқли бўлса-да, амалда сиёсий турмушга қатнашувдан ва демократик ҳуқуқлар ҳамда эркинликлардан фойдаланишдан минг турли йўл ва ҳийла-найранглар билан маҳрум қилинади» (В. И. Ленин, Асарлар, 28 том, 516- бет).

Умри тугаган капитализм идеологлари буржуазия демократик эркинликлари деб аталган эркинликларни эълон қилиш билан бирга «ҳуқуқий давлат» идеяси ҳамда қонуний тузумга риоя қилиш талабларини олга сурдилар. Демократик эркинликларнинг ҳақиқий равишда амалга оширилиши буржуазия ҳукмронлигига бевосита хавф бўлганлиги сабабли буржуазия «қонуний» деб аталган нарсалар ҳам буржуазия «демократияси» каби пуч нарса эканлиги ажабланарли эмас.

Буржуазиянинг қонун принципларидан воз кечганлиги жиноий судлов ишларида, жиноий ишларни тергов қилиш ва судловни амалга оширувчи амалдор шахслар мавжуд қонунларни бузаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Судлов ишларида далиллар сохталаштирилмоқда, нотўғри информациядан фойдаланилмоқда. Сўнгги йилларда прогрессив кучлар вакилларини, энг аввало коммунистларни таъқиб этишда ана шу формалардан фойдаланилмоқда. Ҳукмрон синф вакилларининг жиноий ишларини исботловчи далиллар эса кўпинча эътиборга олинмайди ва йўқ қилиб юборилади. Полициянинг ирқчиларнинг турли жиноятларига панжа орасидан қараётганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисоллар ана шуни исботлаб турибди.

Капиталистик мамлакатларда мавжуд қонунларни бузиш оммавий тус олган. Жиноий судлов ишларида гражданларнинг ҳуқуқлари қўполлик билан бузилади. Капиталистик мамлакатларда конституцион эркинликлар ҳамда гражданлар ҳуқуқлари гарантиясини чеклаб қўювчи қонунлар ва актлар қабул қилинмоқда. Масалан, 1950 йилда қабул қилинган «ички ҳавфсизлик ҳақида қонун», «Тафт-Хартли қонуни», «Смит қонуни» ва бошқалар АҚШ конституциясининг биринчи тузатишига бутунлай қарамақаршидир.

Буржуазия назариячилари қонунни ана шу тарзда қўпол равишда бузишни оқлашга уринмоқдалар ва бунинг учун турли далиллар келтирмоқдалар. Бундан мақсад жамоатчиликни, полиция ва суд қонунидан «чекиниш»га мажбур бўлиш мумкин, деб ишонтиришга уринишдир. Америка назариячиси Паунд масалан, судьяларнинг гаплари билан унинг чиқарган ҳукми ўртасида қарамақаршиликнинг бўлиши табиийдир, деб таъкидлайди. Яна бир буржуазия назариячиси Клифт «баъзи қонунларни бажариб бўлмайди» деб тўғридан-тўғри айтмоқда.

Антикоммунистик пропаганда ўзбошимчалик ва бебошликнинг ашаддий кўринишидир. Конституцияга хилоф қонунлар қабул қилиш, маъмурий ва судлов ишларида ўзбошимчалик орқали демократик эркинликларнинг бузилиши антикоммунизм байроғи остида амалга оширилмоқда.

Номақбул шахслар қонунга хилоф равишда таъқиб қилинса, бундай ҳолларда далиллар сохталаштирилади, сохта гувоҳлар тайёрланади. Қонунга хилоф нормалар асосида таъқиб этиладиган бўлса, бундай ҳолларда айбланувчи ҳаракатларининг жиноий характери исботлаб ўтирилмайди ва бундай ўзбошимчалик қонун билан ниқобланади. Бунинг устига далиллар сохталаштирилади, чинакам ҳужжатларнинг моҳияти бузиб кўрсатилади. АҚШда коммунистик партия раҳбарларини айблаш юзасидан ўтказилган суд процесслари бунга ёрқин мисол бўла олади. Маълумки, бундай процессларнинг бирортасида ҳам айбловчилар бирор далил келтира олмадилар, улар сохта гувоҳларнинг гапларига асосландилар, марксизм-ленинизм классикларининг асарларидан цитата келтириб, бу цитаталарни нотўғри талқин этдилар.

Капиталистик дунёда идеологик таъсир кўрсатиш функцияси ҳуқуқ нормалари, суд практикаси ва юридик назариялар тараққиётига борган сари кўпроқ таъсир қилмоқда. Капиталистик мамлакатларда жиноий процесса айбланувчининг қилган жиноятини бўйнига олишига алоҳида аҳамият берилади. Полициячилар айбланувчининг жиноят қилганини исботловчи далилларни аниқлашдан кўра унинг айбини бўйнига олдиришни афзал кўрадилар. Бунинг учун айбланувчини тергов вақтида қийин-қистоққа оладилар, азоблайдилар.

Масалан, АҚШда граждан ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги ҳар бир материалда полиция органлари жиноятни бўйнига олдириш учун айбланувчиларга нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган усулларни қўлланганлиги, жисмоний куч ишлатганлигини кўриш мумкин. Америка процессуал адабиётида тергов вақтида қўлланадиган асосий тазйиқ турлари классификацияси стандарт бўлиб қолди. Бу адабиётда жисмоний куч ишлатиб сўроқ қилиш, руҳий тазйиқ шароитида сўроқ қилиш, алдамчилик йўли билан сўроқ қилиш каби ибораларни учратиш мумкин.

Капиталистик мамлакатларда полиция ходимларининг гувоҳлигидан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Коммунистлар ва бошқа прогрессив арбобларни таъқиб қилиш юзасидан ўтказилган ишларда полициядан пул олиб турадиган айғоқчилар полиция агентлари — игвогарларининг гувоҳлигидан кенг фойдаланилаётир. Шубҳага олинган кишини сўроқ қилиш вақтида полицияга ҳам катта ҳуқуқлар бериб қўйилмоқда. Масалан, Франциянинг 1958 йилги жиноят кодексидаги махсус бўлим билан полицияга ҳеч қандай контролсиз тинтув ўтказиш, кишиларни ушлаб қолиш ва сўроқ қилиш ҳуқуқлари бериб қўйилган.

Шу билан бир қаторда буржуазия жиноят процесси амалдор кишиларга гувоҳлик беришдан воз кечишга рухсат этади. Чунончи, Бонн конституцияси ва ГФРнинг махсус қонунлари бундестаг ва ландтаг депутатларини гувоҳлик беришдан озод этиб қўйган. Давлат бюрократик механизми чиновникларни катта имтиёзларга эга. Германия Федератив Республикаси процессуал қонунига мувофиқ чиновник ўзига маълум бўлган жиноий иш тўғрисида фақат бошлиғининг рухсати билангина гувоҳлик бериши мумкин. Бунинг устига суд чиновникнинг гувоҳлик беришдан бош тортиши сабабларини текшириш ҳуқуқига эга эмас.

Юстиция органлари гражданлар ҳуқуқларини қандай поймол қилаётганликларини, жиноятни очиш учун қандай усулдардан фойдаланаётганликларини кўрсатиш учун қуйидаги мисолни келтириб ўтиш кифоядир. 19 яшар негр йигит Таунсенд қотилликда айбланди. Айбни унинг бўйнига қўйиш учун йигитнинг организмига наркотик модда юборадилар. Бу модда таъсирида Таунсенд жиноят қилганлигини бўйнига олади. Худди шунга асосланиб Иллинойс штати суди уни ўлим жазосига ҳукм қилади. АҚШ олий суди эса айбини бўйнига қўйдириш учун организмига наркотик юборилганлигини кўрсатувчи далиллар йўқ деб, суд ҳукмини ўз кучида қолдирди. Ҳолбуки, Таунсенднинг гапига қараганда, унинг организмига наркотик моддалар юборилганлиги ҳақида сўнг бир неча минут ўтгач кўзи хиралашган, хотираси сусайган, одамларнинг гапини эшитган, бу гапларга ўзи нима жавоб берганини билмайди. Шундай қилиб, Америка суди жиноятчи эканлиги исботланмаган кишини ўлим жазосига ҳукм қилди.

Капиталистик мамлакатларда юстиция органлари гипноз каби воситалардан ҳам кенг фойдаланмоқда. Буларнинг ҳаммаси буржуазия юстициясининг реакцион моҳиятини кўрсатиб турибди ва империалистик буржуазия, унинг юстиция органлари қонун принципларидан тобора кўпроқ воз кечаётганлигини тасдиқламоқда.

Социалистик юстиция органларининг фаолияти бутунлай бошқачадир. Уларнинг фаолияти чинакам демократик принципларга асосланган ва улар қонунга қатъий амал қилиб иш олиб борадилар.

Г. П. САРКИСЯНЦ,
юридик фанлар кандидати.

Хитой Халқ Республикаси ва АҚШ элчилари учрашди

ВАРШАВА, 16 декабрь. (ТАСС). ПАП агентлиги хабар беради: кеча Варшавада Хитой Халқ Республикасининг ва Америка Қўшма Штатларининг Польшадаги элчилари ўртасида навбатдаги учрашув бўлди. Учрашув 2 соат 55 минут давом этди.

● ● ●

ЯПОНИЯ. Қимор ўйлари-пачинко кечаю кундуз ишлаб туради. Минглаб японлар омад келишини умид қилиб, қимор ўйини автоматлари олдида соатлаб туриб қоладилар. Бу автоматлар уларнинг ҳам пулини, ҳам вақтини олади. Бу сурат Кобе шаҳрида олинган.

Ю. Муравин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ВИСТАВКАГА МАРҲАМАТ

Яқинда Округ офицерлар уйида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотида хизмат қилувчи ҳаваскор рассомларнинг тасвирий, график ва амалий санъат кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган асарларнинг авторлари фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллигига бағишланган Россия Федерацияси виставкасининг қатнашчиларидир.

Кўргазмада Болтиқ денгизи флотининг истеъдодаги офицери Г. Карловнинг акварель бўёқда ишланган «Балиқчилар соҳили», истеъдодаги мичман И. Захаровнинг «Қора денгиз сув ости жангчилари», Закавказье ҳарбий округининг офицери П. Грессинг «Тунги осмон», сержант А. Смирновнинг «Космосга биринчи парвоз» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма бир неча кун давом этади.

Й. ИСМОИЛОВ.

СУРАТДА: рассом И. Захаровнинг «Қора денгиз сув ости жангчилари» картинасидан репродукция.

Фото авторники.

Ғ. ҲУСАНБОЕВ

Узоқ давом этган ва оғир касалликдан кейин Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлими бошлиғининг ўринбосари, 1926 йилдан КПСС аъзоси Ғанижон Ҳусанбоев 63 ёшда вафот этди.

Ғ. Ҳусанбоевнинг деярли бутун меҳнат фаолияти темир йўл транспортида ўтди. Бу ерда у кондуктор, станция навбатчиси, Қўқон станциясининг бошлиғи, ҳаракат бош ревизори, эксплуатация бўлими бошлиғининг ўринбосари, кейинчалик шу бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Шунингдек, йўл бўлими бошлиғининг ўринбосари ҳамда шу бўлим бошлиғи лавозимларида ҳам ишлаган. 1941—1942 йилларда Ўртоқ Ҳусанбоев Тошкент область партия комитетининг секретари, 1947—1951 йилларда эса Қўқон ва Фарғона шаҳар ижроия комитетларининг раислиги лавозимида ишлади.

Камтарин ва кишиларга меҳрибон Ғ. Ҳусанбоев ўзининг бутун онгли ҳаётини Коммунистик партияга ва халққа хизмат қилишга бағишлади. У бир неча марта ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган.

Ғанижон Ҳусанбоевнинг ёрқин сиймоси хотирамизда абадий сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР • РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

18 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика, 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Енгил куйлар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ленин байроғи», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Кичик концерт, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.), 10.10 — Янги славян рақслари, 10.30 — Совет композиторларининг дўстлик ҳақидаги қўшиқлари, 11.10—Ўзбекистон физкультура институтининг 10 йиллиги, 11.25—Ўзбек халқ куйлари, 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.), 12.30 — Концерт, 12.50 — Арманистон радиоси эшиттириши (рус.), 13.00 — Чорвадорлар учун (қоз.), 13.40 — Оммабоп фортепьяно куйлари.

14.00—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Концерт (ёшлар учун), 17.20 — Ўйғур куйлари, 18.10 — Концерт, 18.30 — Концерт, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.15 — Эстрада рақс куйлари, 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.10 — Сайловчилар учун шўх куйлардан концерт, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Кичкинтой ҳунармандлар** (болалар учун), 17.15 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.25 — **Миллионлар санъати** (илмий-оммабоп фильм), 18.20 — **Телевизион янгиликлар**, 18.30—**Реклама ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 18.40 — **Телевизион миниатюралар** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 19.20 — **Фитиль** сатирик киножурнали, 19.30 — **Бадиий ҳаваскорлар эстрадада**, 20.05 — **Чет эл кинохроникаси** ва **Бўйиндаги Анна** номли бадиий фильм.

21.35 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.40 — **Концерт** (Ўзбекистон радио ва телевидение халқ чолғу оркестри ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да **Жизель**, 19/XII да кундуз **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да **Юлдузлар жамоли**, 19/XII да кундуз **Биринчи муҳаббат**, кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да **Қари қиз**, 19/XII да кундуз **Ўғил уйлантириш**, кечқуруни **Гули сиёҳ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Юность» цирк коллективи, қизиқчилар группаси ва совет цирки усталарининг гастроли.**

КИНО

Алдарқўса — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 да), «ЧАЙКА» (эрталаб 10 да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 5 гача).

Итальянча никоҳ — СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «МОСКВА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Ивайло — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да), «ДРУЖБА» (эрталаб 11 да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 5 дан).

Бир занжирга боғланганлар — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Бу телба дунё — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

Садоқат — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 яримда).

Цирк — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да).

Ҳарбий сир — «ВОСТОК» (кичик залда эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Конёк-Горбунок — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
19 декабрда
Мактаб ўқувчилари кунига бағишланган

Байрам концерти

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг ўзбек халқ чолғу оркестри, Ўзбекистон эстрада оркестри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади.

Концертдан олдин фойеда концерт қатнашчилари, композиторлар, музикашунослар ва шоирлар билан учрашув бўлади.

Учрашув кундуз соат 12 да, концерт 2 да бошланади.

Тошкент область, Бектемир қишлоқ. Проект кўчаси. 26-уйда турувчи **Виктор Дмитриевич Кудин**нинг Антонина Степановна Бесчастнаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Чинобод кўчаси, 1-уйда турувчи **Гарун Рафаэлович Авакимян**нинг Висковольтная кўчаси, 3-уй, 43-квартирада турувчи Наталья Евгеньевна Ржановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Рус тилида чиқадиган
ЧЕТ ЭЛ
журналларига
февраль ойидан йил охиригача
ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ
Венгерские новости,
Куба,
Польша,
Современная Монголия
ва бошқалар.
ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»
уй, ҳовли, кўча, магазин ва муассасалардаги
ТАШҚИ ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРИНИ,
шунингдек бинолар ичидаги чироқларни
КУН ЁРИШИ БИЛАНОҚ УЧИРИШНИ
сўрайди.
Ташқи чироқлардан кундуз кунлари фойдаланган тақдирда электр оғоҳ қилмасдан узиб қўйилажак.

1965 йил 28 декабрь кундуз соат 2 да, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг илмий совети мажлисида

В. М. Шеховцев — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Вертикаль-шпинделли пахта териш машинаси шпинделининг фрикцион приводини ва съёмнининг ишини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Учитель кўчаси, 39-уй).

Гуручариқ кўчаси, Сариқсув проезд 4-тупик, 2-уйда турувчи **Тельман Йўлдошев**нинг Чиғатой кўчаси, Оқартиш проезд, 22-уйда турувчи Мавлуда Йўлдошевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент олий партия мактаби коллективи шу мактабнинг журналистика, тил ва адабиёт кафедраси мудири Т. Э. Эрназарова онаси **Ҳурайра ҲАКИМОВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 295. ИНДЕКС 64543. Р. 10917